



TAQDIRIMSAN, BAXTIMSAN, ERKIN VA OBOD VATAN!

Қарши муҳандислик-иқтисодиёт институти қошидаги "Нуристон" академик лицейини бу йил 297 ўқувчи битирди.

Давлатимиз раҳбари раҳнамолигида ўсиб келаётган ёш авлод камолотига қаратилаётган юксак эътиборнинг ёрқин ифодасини шаҳар ва қишлоқларимизда қад ростлаган замонавий таълим муассасалари мисолида яққол кўриш мумкин. Қарши муҳандислик-иқтисодиёт институти қошидаги "Нуристон" академик лицейи ҳам кенг имкониятларга эга ўқув масканларидан.

Аниқ, табиий ва ижтимоий-гуманитар фанлар ҳамда хорижий тилларни чуқур ўқитишга ихтисослашган лицейдаги ўқув-лаборатория, лингафон, компьютер ва фан хоналари, спорт заллари, кутубхона замонавий усулда жиҳозланган. Лицей ўқувчилари ҳар йили фан олимпиадаларида, интеллектуал танловларда фаол қатнашиб, совринли ўринларни эгалламоқда. Навбатдаги битирувчилар сафида ҳам илмий ва ижодий салоҳияти билан тенгдошларига ибрат бўлаётган иқтидорли ўғил-қизлар кўпчилиكنи ташкил этади. Юртимиз олий ўқув юртларида ўқишни давом эттириш истагида изланаётган бу ёшлар шижоатиға ҳавас қилса арзийди.

Суратда: Қарши муҳандислик-иқтисодиёт институти қошидаги "Нуристон" академик лицей битирувчилари.

Жамшид НОҲОБИЛОВ
(ЎЗА) олган сурат.

МУСТАҚИЛ ҲАЁТ ОСТОНАСИДА



16-бетга қараңг.

ЁШ ДОИРАЧИЛАР БЕЛЛАШУВИ

ОЛФА ИНТИЛМАГАН ОРТДА ҚОЛАДИ

Мамлакатимиздаги умумтаълим мактабларининг деярли барчаси ахборот ва коммуникация технологиялари билан таъминлангани тизимга илгор дастурларни жорий этиш имконини яратиб,

таълим жараёнини сифат ва мазмун жиҳатдан янги bosқичга кўтармоқда. Хусусан, Халқ таълими вазирлиги ҳамда Алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги томонидан амалиётга кенг татбиқ этилаётган корпоратив тармок, таълимий электрон сайтлар вазирлик муассасаларида бошқарувни самарали ташкил этиш, замона-

вий технологиялар ёрдамида электрон ҳужжат алмашиш, соҳага оид қарор ва буйруқлар ижросини таъминлашда қулайлик туғдирди.

Дарҳақиқат, телефон, факс ва почта каби алоқа воситаларининг имкониятлари бугунги тезкор давр талабларига тўлиқ жавоб бера олмай қолди. Шу боис вақт, маблағ ва қоғозни тежаш имконини берадиган электрон тармокқа зарурат пайдо бўлди. Хўш, таълимни бошқаришга оид корпоратив тармок нима ўзи? У қай тартибда ишлайди?

(Давоми 3-бетда.)

Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати – Ўзбекистон Либерал-демократик партияси «Ёшлар қаноти» ташаббуси билан аънанавий тарзда ўтказиб келинаётган «Диплом билан бизнесга» лойиҳаси кўмағида ўтган давр мобайнида юзлаб қашқадарёлик ёшлар ўз ишини йўлга қўйди.

Ўзбекистон Республикаси

ДИПЛОМ БИЛАН — БИЗНЕСГА

Марказий банки, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, «Микрокредитбанк», «Ипотекабанк», «Асакабанк», Деҳқон ва фермер хўжаликларини қўллаб-қувватлаш фонди, Ўзбекистон Сугурта бозорининг профессионал иштирокчилари уюшмаси билан ҳамкорликда ўтказилаётган ўқувларда ёшларнинг инновацион лойиҳа ва ташаббусларини иқтисодиётнинг реал секторига жорий этиш, яқка тартибдаги меҳнат фаолиятини, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш ҳамда уларга микромолиявий хизматлар кўрсатиш орқали янги иш ўринлари ташкил этишга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Қарши агробизнес касб-хунаро коллежидида мазкур лойиҳа доирасидаги ўқув-семинарнинг Қашқадарё вилояти босқичи бўлиб

ўтди. Унда лойиҳанинг шахар, туман босқичларида қатнашган мингдан зиёд ёшлар орасидан саралаб олинган 140 нафар ўқувчи иштирок этди.

Тадбирда мамлакатимизда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришда банк-молия муассасалари томонидан амалга оширилаётган чора-тадбирлар, тадбиркорлик лойиҳаларини банклар орқали

молиялаштиришнинг ҳуқуқий асослари ҳамда кредитларни расмийлаштириш жараёнлари ва шарт-шароитлари ҳусусида батафсил маълумот берилди.

Иштирокчилар гуруҳларга бўлинган ҳолда «Бизнес режа тузиш талаблари», «Тадбиркорлик фаолиятини тартибга солувчи меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар», «Кредитни қайтариш жадвали», «Кичик бизнес вакиллари учун жорий қилинган солиқлар ва яратилган бухгалтерия-солик имтиёзлари» мавзуларидаги амалий машғулотларда иштирок этиб, билим ва малакасини оширди.

Тадбирда тижорат банклари томонидан энг яхши, деб топилган лойиҳа эгаларига имтиёзли кредит олиш ҳуқуқини берувчи йўлланмалар топширилди.

Ф.ХОЛИМРАЗЕВ,
ЎЗА мухбири

«УСТОЗ БЎЛИШ КАТТА ШАРАФ» дейишмоқда абитуриентлар

Мустақил ҳаёт оstonасида турган йигит-қизларнинг шу кунлардаги ўй-ҳаяжони ўзгача. Академик лицей ва касб-хунаро коллежлари битирувчилари ўзлари қизиққан касбни мукамал эгаллаш истағида олий ўқув юртига ҳужжат топширмоқда. Абдулла Қодирий номидаги Жиззах давлат педагогика институтидида ҳам бу жараён қизгин давом этмоқда.

Институт ҳовлисида қабул жараёнига оид барча меъёрий ҳужжатлар асосида кўргазмалар ташкил этилган. Унда институтдаги йўналишлар ҳақидаги ҳужжат топшириш учун зарур бўлган маълумотлар, аризалардан намуналар акс эттирилган. Жараённи тартибга солиш ва абитуриентларга амалий маслаҳатлар бериш учун навбатчилик ташкил этилган.

— Қабул жараёнини ташкил этиш ва намунали ўтказиш юзасидан амалий чора-тадбирлар белгилаб олинган, — дейди қабул комиссиясининг масъул котиби, доцент Музаф Раббимов. — 2012-2013 ўқув йили учун бакалаврлар тайёрлаш мақсадида давлат гранти асосида 520 нафар, тўлов контракти асосида 1085 нафар талаба қабул қилиш режалаштирилган. Абитуриентлар мавжуд 19та йўналиш бўйича ўзлари қизиққан соҳаларга ҳужжат топширмоқдалар. Институтда таълим ўзбек, рус ва қозоқ тилида олиб борилади.

Янгилек сифатида шуни айтиш мумкин, навбатдаги ўқув йилидан бошлаб информатика ўқитиш методикаси йўналиши фаолият бoshлайди. Унда дастлабки йилда жами 50 нафар талаба қабул қилинади.

Кейинги йилларда хотин-қизлар орасида жисмоний тарбия ўқитувчилари ва мураббийлари сафини кенгайтиришга эътибор қўйилмоқда. Шу мақсадда Ўзбекистон давлат жисмоний тарбия институтидида ўқиш истағини билдирган абитуриентларнинг ҳужжатларини жойларда, хусусан, Жиззах давлат педагогика институтидида ҳам қабул қилиш йўлга қўйилган. Абитуриентлар тест синовларини ҳам шу ерда топширадилар. Синовдан муваффақиятли ўтган қизлар ўқишни Ўзбекистон давлат жисмоний тарбия институтидида давом эттирадилар.

— Ёшларимдан ўқитувчилик қизиқаман, — дейди Арнакка туманидан келган

абитуриент Нилуфар Ҳамроева. — Устозлар сафидида бўлиб, ёшларга таълим-тарбия бериш катта шараф. Мен ҳам яхши ният билан педагогика-психология йўналишига ҳужжат топширдим.

Қабул комиссияси зарур ахборот коммуникация технологиялари билан тўлиқ таъминланган. Жараёнга оид ахборотлар Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим ва Халқ таълими вазирликлари ҳамда Давлат тест марказига теъзорлик билан етказилмоқда. Бу каби тадбирларнинг барчаси жараёни намунали ўтказишга қаратилган. Ҳужжат топширган абитуриентлар олдидида турган асосий имтиҳон — тест синовларига қизгин тайёргарлик кўрмоқдалар. Чинакам билим эгаси бўлган йигит-қизлар синовлардан муваффақиятли ўтиб, талабалар сафидан ўрин олишига ишонамиз.

Абдусаттор СОДИКОВ,
«Ma'rifat» мухбири

ДИҚҚАТ, ТАНЛОВ!

«ЭНГ УЛУҒ, ЭНГ АЗИЗ»

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги ва Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси «Тасвирий ойна» ижодий уюшмаси, Ёзувчилар уюшмаси, Миллий телерадиокомпания, «Ўзбекино» Миллий агентлиги, Бадий академия, Электрон оммавий ахборот воситалари миллий ассоциацияси ҳамда Мустақил босма оммавий ахборот воситалари ва ахборот агентликлари қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фонди билан ҳамкорликда ёзувчи ва шоирларни, журналистлар, тасвирий ва кино санъати намояндаларини эркин, озод ва фаровон ҳаётимиз, ғурур-ифтихоримиз тимсоли, эзгу орзу-интилишларимиз, ютуқ ва марраларимизнинг ҳаётбахш манбаи — мамлакатимиз мустақиллигининг йигирма бир йиллигига бағишлаб ўтказадиган «Энг улуг, энг азиз» аънанавий танловига тақлиф этди.

Танловга «Тадбиримсан, бахтимсан, эркин ва обод Ватан!» деган эзгу ғояни ўзида мужасам этган ижодий ишлар қабул қилинади. Тақдим этиладиган асарларда мамлакатимизда мустақиллик йилларида барча соҳаларда улкан ютуқларга эришилгани, халқимизнинг тинч-осойишта ҳаёти, хавфсизлик ва барқарорлик таъминлангани, Ватанимизнинг қудрати ва салоҳияти, халқаро майдондаги обрў-эътибори тобора ортиб бораётгани, юртимизда амалга оширилаётган ислохот ва ўзгаришларнинг моҳияти ва аҳамияти, аҳолининг, айниқса, ёшларимизнинг онгу тафаккури, сиёсий савияси, ижтимоий фаоллиги охиби бораётгани, қишлоқ ва шаҳарларимиз, бутун мамлакатимизнинг қиёфаси тубдан ўзгараётгани, ҳар бир юртоқимиз ўз истеъдоди ва қобилиятини намоён этиши учун янги-янги имкониятлар яратилаётгани кенг ёритилган бўлиши керак.

Шунингдек, танловга тақдим этилган материаллар ўтган давр мобайнида халқимиз мураккаб ва машаққатли йўлни босиб ўтганини, ўзининг мустақам иродаси, қатъият ва матонати ҳамда юксак инсоний фазилатларини намоён этишга эришганини, жамиятимизда миллатлар ва фуқаролар ўртасида дўстлик ва ҳамжихатлик, ўзаро ҳурмат, меҳр-оқибат муҳити тобора мустақамланиб бораётганини, бетақор меросимиз, бой тарихимиз, урф-одат ва аъналаримизнинг қайта тикланганини, одамларимизнинг дунёқараши тубдан ўзга-

риб, Ватан тақдири ва истикболига дахлдорлик туйғуси маънавий ҳаётимизнинг узвий қисмига айланиб бораётганини, «Мустақам оила йили» Давлат дастурининг ижобий самараларини мамлакатимизда ва халқаро жамоатчилик ўртасида кенг тарғиб қилишга қаратилган бўлиши зарур.

«Энг улуг, энг азиз» танлови қуйидаги номинациялар бўйича ўтказилади:

- ёзувчи ва шоирларнинг бадий асарлари;
- босма ОАВ ходимларининг журналистик ишлари;
- телевидение ва радио ижодкорларининг материаллари;
- тасвирий санъат асарлари;
- кино санъати асарлари.

Танловга тақдим этилган ижодий ишларга қуйидаги ҳужжатлар илова қилиниши лозим:

- муаллиф ва унинг профессионал фаолияти тўғрисида қисқача маълумот;
- муаллифнинг паспорти нусхаси;
- иш жойидан тавсиянома;
- муаллифнинг манзили ва боғланиш телефонлари.

Танловга 2011 йилнинг 1 августидан 2012 йилнинг 1 августигача бўлган даврда чоп этилган бадий асарлар, газета-журналлар ва интернет нашрларида эълон қилинган мақолалар, радио ва телевидение каналларида эфирга узатилган материаллар, шунингдек, тасвирий санъат ва кино санъати асарлари жорий йилнинг 5 августигача қабул қилинади.

Танлов ғолиблари Ватанимиз мустақиллигининг йигирма бир йиллик байрами арафасида мукофотланадилар ва уларнинг рўйхати матбуотда эълон қилинади.

Ижодий ишлар «Энг улуг, энг азиз» танловига деб кўрсатилган ҳолда қуйидаги манзилга юборилиши лозим:

**100129, Тошкент шаҳри,
Навоий кўчаси, 30-уй.**

**Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги,
Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси,
Ўзбекистон Республикаси «Тасвирий ойна» ижодий уюшмаси**
**Телефонлар: 244-12-61; 244-64-61;
244-27-79.**

Taqdirimsan, baxtimsan, erkin va obod vatan!

Шўқри, мамлакатимизда тинчлик, осойишталик ҳукм сурмоқда. Йилдан-йилга тараққиёт босқичларидан одимлаётган диёримизда яшаётган меҳнаткаш халқимиз учун бундан азиз неъмат йўқ. Ватан сарҳадлари дахлсизлигини таъминлаш йўлида мамлакатимиз Қурулти Қўчлари ислох қилиниб, профессионал армия шакллантирилди. Ёш авлодни ватанга садоқатли шахс этиб тарбиялашга катта эътибор қаратилди. Натижада ҳар бир йигит учун Ватан ҳимояси шарафли бурча айланди.

Мен ҳам мустақиллик, истиклол фарзанди эканимдан бахтиёрман. Илк бор мактаб оstonасига

ШУ ЮРТ УЧУН ЖОНИМ ФИДО

қадам қўйганимдаёқ келажак авлод тақдирига ғам-хўрлик, ҳар бир ўғил-қизга алоҳида эътибор кўрсатилаётганига ғувоҳ бўлдим. Барча шароитларга эга илм масканида таълим-тарбия олдим. Юқори синфга ўтганимда келажакда қандай касб танлаш ҳақида савол берилганда, ҳеч иккиланмай ҳарбий бўлишни айтдим. Бу қароримни устозларим, ота-онам қўллаб-қувватлаб, амалий кўмак беришди. Ватан ҳимоясиси бўлиш фикри битирувчи синфда ўқиётганимда янада қатъийлашди. Ниҳоят орзумни амалга ошириш учун Тошкент ахборот-технологиялари университетининг махсус факультетига ҳужжат топширдим. Имтиҳонлардан муваффақиятли ўтиб, талаба бўлдим. Олий ўқув юртидаги таҳсил давомида устозлардан касбий билимлар билан бирга инсонийлик хислатлари, ватанпарварлик туйғуларини ҳам ўзлаштириб бордим. Бугун мен университетда таҳсилни тугаллаб лейтенант унвонига эришдим. Аини кунларда мендан бахтли инсон йўқ. Ўз тақдирим мисолида мустақиллик, истиклол халқимиз, ватанимиз, юртошларимиз учун нақадар олий бахт, бебаҳо неъмат эканини ҳис этдим. Шу боис ҳам юртимиз тинчлиги, осмонимиз мусофқолигини кўз қорачиғидай асраб-авайлашга, керак бўлса бу йўлда жонимни фидо қилишга ҳам тайёрман. Зеро мустақиллик бу менинг тақдирим, эркин ва обод Ватан эса бахтимдир.

Шаҳбоз ТўРАЕВ,
ТАТУ махсус факультети битирувчиси

(Давоми. Боши 1-бетда.)

**Муассасалар
учун ягона тармок**

Мазкур тизим жойлашиш ва боғланиш туридан қатъи назар, бир йўналишдаги ташкилотларга компьютер орқали ягона маълумотлар базаси (сервер)дан фойдаланиш имкониятини яратди. Бугунги кунда халқ таълими тизимидаги идора ва муассасалар ўртасида ҳужжат алмашинуви, статистик маълумотларни узатиш, қайта ишлаш ва таҳлил қилишдаги нуқсонларни бартараф этиш, алоқа соҳасидаги муаммоларни ечиш, бюджет маблағларидан мақсадли фойдаланишда тармокнинг аҳамияти катта.

— Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 22 мартдаги қарорига мувофиқ ишлаб чиқилган

ларида фаолият олиб бораётган барча фан ўқитувчиларининг малакасини оширишда фаол иштирок этди. Бунинг учун ҳудудларда ташкил этилган малака ошириш курсларида Мультимедиа умумтаълим дастурларини ривожлантириш маркази томонидан амалий ёрдамлар кўрсатилди. Бугунга қадар 72 соатлик ўқув курсларида 400 минг нафардан зиёд ўқитувчи жалб этилди.

Малака ошириш курслари фаолиятини доимий назорат қилиш, мониторингини юритиш мақсадида akt.uzedu.uz сайти яратилиб, тест тизими ишлаб чиқилди ҳамда ҳудудий халқ таълими бошқармалари учун алоҳида саҳифалар очилди. Педагог ходимларнинг ахборот-коммуникация технологияларида ишлаш малакасини мониторинг қилиш, масофадан

Алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги кўмағида ташкил этилган «Миллий UZ домени — 2011» интернет-фестивалининг «Ёшлар учун энг яхши сайт» номинациясида 2-ўринни эгаллади.

Халқ таълими вазирлигининг расмий веб-сайти мунтазам ишлашини таъминлаш, маълумотларни доимий янгиллаб бориш мақсадида ҳудудий халқ таълими бошқарув идоралари, педагог ходимларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш институтлари учун веб-сайтлар ишлаб чиқилди.

Хусусан, кадрлар билан ишлаш бўйича автоматлаштирилган дастурий тизим («ХТВ-КАДР») амалиётга татбиқ этилиб, «Янгиланган» менюсига кадрларга оид янгиланган, қонун ҳужжатлари киритилди.

Шунингдек, ўқувчилар ўрта-

ролар учун туман, шаҳар, вилоят ва республикадаги ўрта махсус, касб-хунара таълими муассасалари ҳақида тўлиқ маълумотлар жамланган. Шунингдек, ўқув йили давомида мактаблар томонидан дастурга киритилган битирувчилар ҳақидаги маълумотлар асосида қабул жараёни шакллантирилаётгани тизимда ахборот технологияларининг ўрни ортиб бораётганидан далолатдир.

— Бу йил мактабимизни 121 нафар 9-синф ўқувчиси тамомлади, — дейди пойтахтимиздаги 118-умумтаълим мактаби директори Бибисора Ҳасанова. — Ўқув йили давомида уларни касб-хунарга йўналтириш, қабул жараёнига тайёр-гарлик ишлари интернет орқали амалга оширилди. Хусусан, тармокқа киритган элект-

Кадрларнинг хорижий тиллардан саводхонлигини ошириш мақсадида вазирлик порталидаги масофавий таълим тизимида инглиз тили курси ташкил этилиб, «Talking Amerikan», «Fun English for children», «Kattalar uchun ingliz tili» — Английский язык для взрослых» каби электрон ресурслар жойлаштирилди.

Ҳа, бугунги кунда таълим тизимида замонавий билимларни эгаллаш учун барча шароитлар мўҳайё. Бирок...

**Гуруч курмаксий
бўлмаганидек...**

...этиборсизлик туфайли давлатимиз томонидан яратиб берилаётган бундай қулайликлардан оқилона фойдаланмаётган идора ва муассасалар ҳам йўқ эмас. Ҳудудлардаги айрим бошқарув муассасалари корпоратив тармокқа уланмагани, малакасизлик ёки лоқайдлик туфайли тармокдан фойдаланилмаётгани оқибатида Халқ таълими вазирлиги томонидан юборилаётган ҳукукий-меъёрий ҳужжатлар, топшириқ, кўрсатма ва буйруқлар жойларга ўз вақтида етиб бормаётгани ислохотлар йўлида тўсиқ бўлмоқда.

Баъзи мактаб раҳбарларининг этиборсизлиги натижасида «ZiyoNET» portali resurslaridan ta'lim-tarbiya jarayonida foydalanilmaslik holatlari ham uchrayotir. Хусусан, вазирлик мутахассислари томонидан ўрганилганда Пискент туманидаги 5-мактабда бор-йўғи битта компьютер «ZiyoNET»га улангани, педагог ходимларнинг АКТдан фойдаланиш кўникмасини оширишга доир курслар қўғозда қолиб кетгани маълум бўлди. Шунингдек, республика ихтисослаштирилган мусика ва санъат академик лицейида ҳам АКТ бўйича ўқув жараёни тўғри ташкил этилмаган. Бундан ташқари, Қарши шаҳридаги 42-, 35-, Олмалиқ туманидаги 9-, Янгийўл туманидаги 21-, 27-, Ангрен шаҳридаги 73-, Қўқон шаҳридаги 17-, Тошкент шаҳри Учтепа туманидаги 189-, 62-, Олмазор туманидаги 134-, Ҳамза туманидаги 161-, 227-сонли умумтаълим мактабларида «ZiyoNET» тармоғидан фойдаланиш самарадорлиги пастлиги аниқланди.

Таълим тизимида ахборот-коммуникация технологияларини кенг жорий этиш ўқувчи ва ўқитувчиларнинг замонавий билимларини янада бойитишда муҳим ўрин тутди. Буни Президентимиз ташаббуси билан жорий йил 16-17 февраль кунлари пойтахтимизда ўтказилган «Оқсак билимни ва интеллектуал ривожланган авлодни тарбиялаш — мамлакатни барқарор тараққиёт этириш ва модернизация қилишнинг энг муҳим шарти» мавзусидаги халқаро конференция иштирокчилари ҳам алоҳида эътироф этган эди. Зеро, бугунги шиддаткор даврда доимо олға интилиб, юксак интеллектуал салоҳиятли авлодни тарбиялаш учун таълим-тарбия тизимига устувор вазифа сифатида қарамаганлар тараққиётдан ортда қолиши шубҳасиз.

**Ҳамза АБДУЛЛАЕВ,
«Ma'rifat» мухбири**

ОЛҒА ИНТИЛМАГАН ОРТДА ҚОЛАДИ

«Давлат интерактив хизматларини ривожлантиришга доир чора-тадбирлар»ига асосан Халқ таълими вазирлигининг марказий аппарати, ҳудудий бошқармалари, педагог ходимларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш институтлари, педагог кадрларни тайёрловчи олий ўқув юрлари, республика ташкилотлари, туман (шаҳар) халқ таълими муассасалари фаолиятини методик таъминлаш ва ташкил этиш бўлимлари корпоратив тармокқа уланди, — дейди Мультимедиа умумтаълим дастурларини ривожлантириш маркази директорининг биринчи ўринбосари Козимбек Ғофуров. — Бу тизим электрон ҳужжат алмашинуви, корпоратив почта хизмати, малака ошириш институтларининг назорат дастури, видеоконференция ҳамда IP телефония хизматларидан фойдаланиш имконини беради. Вазирлиқнинг 14та ҳудудий бошқармасида корпоратив тармок секундида 2 Мб, 194та ҳудудий бошқарув идораларида эса, 1 Мб тезликда ишлаяпти. Ҳозир марказимиз ва вазирлик марказий аппаратида оптик толали кабель ўтказиш ишлари якунланиб, компьютерлар секундида 20 ва 10 Мб тезликдаги Tas-IX ҳамда интернет тармоғига уланди.

Педагог ходимларнинг ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланиш кўникмасини ошириш мақсадида Халқ таълими вазирлигининг 2011 йил 23 мартдаги буйруғига асосан ташкил этилган ўқув-семинарларда 56 нафар тренер тайёрланган эди. Улар ёрдамида замонавий компьютер техникаси ва қурилмалари билан жиҳозланган 2 минг 467та мактабдан танлаб олинган тажрибали информатика фани ўқитувчиларига тармокдан фойдаланиш қоидалари ўргатилди. Ўз навбатида, улар ҳам умумтаълим мактаб-

туриб билимларини синаб кўриш учун дастурга тест саволлари киритилган бўлиб, 75 балдан юқори натижа кўрсатган ўқитувчиларга тегишли сертификат берилади.

Айни кунларда эса, Халқ таълими вазирлигининг тегишли буйруғига биноан АКТ билан тўлиқ таъминланган 7 минг 500дан зиёд умумтаълим мактабларида замонавий ахборот-коммуникация технологияларидан таълим жараёнида кенг фойдаланишни таъминлашга доир ўқув курслари ўтказилмоқда.

Таълим муассасаларининг замонавий ахборот технологияларини соҳага қай даражада жорий этгани тезкор ахборот алмашинуви, ўз сайтига эгалиги ҳамда мавжуд ахборот-таълим ресурсларидан умумий фойдаланишда намойен бўлади. Шу маънода мунтазам ўтказиб келинаётган «Энг яхши мактаб сайти» кўрик-танлови ўқувчи ва ўқитувчиларнинг ижодий фаоллигини, ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланишга қизиқишини ошириш ҳамда «ZiyoNET» ахборот таълим тармоғини ривожлантиришда кўл келмоқда.

Жумладан, мамлакатимиздаги 12 мингта яқин мактаб, академик лицей, коллеж, олий таълим муассасалари, ёшлар ташкилотлари, кутубоналар, музейлар ҳамда бошқа илмий-таълим ва маданий-маърифий муассасалар «ZiyoNET» орқали интернет тармоғига уланди. Ўқувчи ва ўқитувчиларнинг тизимда ишлаш маҳорати янада юксалиб, фанлар йўналишидаги адабиёт-манбалар, яъни ресурслардан дарс жараёнида самарали фойдаланилмоқда.

Янгида дизайнда қайтадан ишланган Мультимедиа умумтаълим дастурларини ривожлантириш маркази сайти — multimedia.uz Ўзбекистон

сида ўтказилаётган билимлар беллашуви ҳужжатларини тайёрлашдаги тушунмовчиликларни бартараф этиш, жараёни назорат қилиш ҳамда қўғозни тежаш мақсадида яратилган «Билимлар беллашуви» дастури жорий йилда танловни ташкил этиш ва иштирокчилар ҳақидаги маълумотларни шакллантиришда қулайлик туғдирди.

**Қабул электрон тарзда
назорат қилинади**

Бугунги кунда барча умумтаълим мактаблари ва ота-оналарнинг диққат-этибори 9-синф битирувчиларини таълимнинг кейинги босқичига тўлиқ қамраб олишга қаратилган. Шу маънода «Умумий ўрта таълим мактаблари 9-синф битирувчилари ҳужжатларини академик лицей ва касб-хунара коллежларига қабул қилишнинг автоматлаштирилган дастури» (mb.uzedu.uz) тақомиллаштирилгани ҳам диққатга моликдир.

— Дастурда умумтаълим мактабларининг маълумотлар базасини шакллантириш уч босқичда амалга оширилади, — дейди Мультимедиа умумтаълим дастурларини ривожлантириш маркази мутахассиси Озод Бомбуродов. — Аввало, электрон базага барча мактаб битирувчилари тўғрисида маълумот, сўнг улар танлаган ўрта махсус, касб-хунара таълими муассасаси ва йўналишининг номи киритилади. Учинчи босқичда шаходатнома олиш ва ўрта махсус, касб-хунара таълими муассасаларида ҳужжат топшириш, қабул қилиш ҳамда таҳлил жараёни амалга оширилади. Киритилган маълумотларни туман, вилоят миқёсида назорат қилиш учун алоҳида логин ҳамда пароллар берилган.

Дастурнинг афзаллиги шундаки, ота-оналар ҳамда фуқа-

рон маълумотларимиз асосида коллеж ва лицейлар қабул режасини ишлаб чиқди.

Бундан ташқари, вазирлик расмий сайти базасида ишлаб чиқилган «Мактабгача таълим муассасаларининг электрон қабули» (mtm.uzedu.uz) автоматлаштирилган дастури дастлабки синовдан ўтказилиб, амалиётга татбиқ этилиш арафасида турибди. Мазкур тизим ишга тушгач, ота-оналар учун масофадан туриб керакли МТМ ҳақида маълумот олиш, фарзандининг мактабгача таълим муассасасига қабул қилиниши учун ариза жўнатиш имконияти яратилади. Ариза асосида болага муассасадан ўрин ажратиш ва тарбияланувчини навбатга қўйиш хизмати ҳам йўлга қўйилади.

Шу кунларда марказ мутахассислари Тошкент шаҳри туманларининг халқ таълими муассасалари фаолиятини методик таъминлаш ва ташкил этиш бўлимлари методистлари учун дастурдан фойдаланиш бўйича ўқув-семинарлар ўтказмоқда.

**Чексиз маълумотлар
манбаси**

Вазирлик сайти (www.uzedu.uz)даги маълумотлар ўзбек, рус ва инглиз тилларида бўлиб, техник томондан бенуқсон ишлашини таъминлаш марказ мутахассисларини назоратида. Бугун ахборот-таълим порталига жойлаштирилган «Веб-Мактаб», «Веб-Боғча» корпоратив ахборот тизими, электрон ҳамда DjVu форматдаги дарсликлар, ўқув фильмлари, виртуал лаборатория каби ўнга яқин бўлимлардаги минглаб ресурслар таълим сифати ва самарадорлигини оширмоқда. Муаллифлик ҳуқуқини ҳимоялаш мақсадида ҳар бир ресурс тегишли тартибда рўйхатдан ўтказилиб, патент олинапти.

Yangiliklarda

Yurt
nafasi

❖ Кегейли тумани ҳокимлиги ҳамда бандликка кўмаклашиш ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш маркази ташаббуси билан коллежда бўш иш ўринлари ярмаркаси ўтказилди.

Ярмарка иштирокчиларига тумандаги 41 корхона ва ташкилот томонидан 156 бўш иш ўрни таклиф этилди. Тадбир якунида 95 нафар ёш мутахассис ўз мутахассислиги бўйича ишга жойлашди.

Ярмарка доирасида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари, хунармандлар тайёрлаган маҳсулотлар кўргазмаси намойиш этилди.

❖ “Мустаҳкам оила йили” муносабати билан «Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми», «Меҳр нури», Ижтимоий ташаббусларни қўллаб-қувватлаш жамғармалари, «Аёллар кенгаши» республика жамоат бирлашмаси ҳамкорлигида Жиззах вилоятида бир гуруҳ келин-куёвларнинг никоҳ ҳамда болаларнинг суннат тўйлари ўтказилди.

«1000та тўй» акцияси доирасида ўтказилаётган бундай тадбирларда тўйларнинг оилани, жамиятдаги маънавий муҳитни, инсонлар ўртасидаги меҳр-оқибатни мустаҳкамлашдаги ўрни янада яққол намоён бўлаёттир.

Фаллаорол шаҳридаги «Кўхунор» тўйхонасида ташкил этилган Бахмал ва Фаллаорол туманларидаги кам таъминланган, боқувчисини йўқотган оила фарзандлари бўлган 14 жуфт ёшнинг никоҳ ҳамда 8 нафар боланинг хатна тўйи ҳам халқимизнинг эзгулик, меҳр-мурувват, ёшларга гама-хўрлик каби ибратли қадриятлари асосида ўтди. Аънаъага кўра, туманларнинг ФХДБ бўлиmlари мудиrlари оила қураётган ёшларга тантанали равишда никоҳ гувоҳномаларини топширди.

❖ Вобкент туманидаги «Баркамол авлод» болалар маркази ходимлари айни кунларда ўқувчиларнинг сеvimли маскани «Йўлдош» оромгоҳида фаолият юритишяпти.

— Оромгоҳимизда ўқувчиларнинг уч мавсумда дам олиши режалаштирилган. Айни пайтда оромгоҳда кам таъминланган оилаларнинг 100 нафардан зиёд фарзандлари ҳордик чиқараяпти, — дейди оромгоҳ раҳбари, Вобкент туман «Баркамол авлод» болалар маркази директори Роҳат Хайитова. — Туман ҳокимлигининг ташаббуси билан сарфланадиган харажатларнинг 50 фоизи ҳомийлар ҳисобидан тўланмоқда. Вилоят, шаҳар ва туман «Камолот» ЁИХ ва «Камалак» болалар ташкилоти доимий ҳамкоримиз. Улар оромгоҳимизга тез-тез келиб, тадбирларда фаол иштирок этган дам олувчиларга совғалар беришди. Вилоят «Баркамол авлод» маркази «Шалол» болалар ансамблининг ташрифидан болажонларимиз хурсанд. Вилоят мусикали драма театри артистлари ҳам турли сахна кўринишлари намойиши билан болажонларни хурсанд қилишяпти.

❖ Пойтахтимизда Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати – Ўзбекистон Либерал-демократик партияси ва Ўзбекистон Республикаси Марказий банки ҳамкорликда амалга ошираётган «Оилавий тадбиркорликдан – мустаҳкам оилга» лойиҳасининг тақдимот маросимида депутатлар, Марказий банк, тижорат банклари, Савдо-саноат палатаси, «Тадбиркор аёл» ишбилармон аёллар ассоциацияси раҳбарлари, тадбиркорлар ва оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этди.

Тадбирда сўзга чиққанлар юртимизда амалга оширилаётган кучли ижтимоий сиёсат оилаларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, аёлларни тадбиркорлик фаолиятига кенг жалб этиш, оилавий бизнесни ривожлантириш ва халқимиз фаровонлигини оширишга хизмат қилаётганини таъкидлади.

Тақдимотда иштирок этганлар лойиҳани амалга ошириш механизмлари ва молиявий манбалари, аҳолининг бандлик даражасини ошириш масалаларига оид барча саволларга жавоб олди.

ЎЗА ва махсус мухбирларимиз йўллаган материаллар асосида тайёрланди.

Ахборот-коммуникация технологиялари фойдаланувчиларни кўпроқ жалб этишга хизмат қилади

Республика илмий педагогика кутубхонасида ўтказилган семинар-тренингда Тошкент вилоят, Нукус, Жиззах, Навоий, Қўқон давлат педагогика институтлари АРМ раҳбарлари иштирок этиб, педагогика олий ўқув юртлари АРМлари фаолиятини таҳлил қилишди. Уларда қўлла-нилайётган ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланиш борасидаги энг сўнгги янгилликлар эътироф этилди. Илғор иш тажрибаларини оммалаштиришга эътибор қаратилди.

Семинар-тренингда ахборот-ресурс марказларида маълумот-библиография ишлари, электрон манбалардан фойдаланишнинг илмий, маънавий-ахлоқий жиҳатлари, кутубхоначилик рекламаси, хизматини намунали йўлга қўйиш, ходимларнинг лавозим йўриқномаси каби масалаларда маърузалар тингланди.

— Марказимизни ихтисослашган компьютер дастурлари билан таъминлаш ҳамда электрон-каталоглар ва маълумотлар базасини шакллантириш бўйича чора-тадбирлар ишлаб чиқилди, — дейди Нукус давлат педагогика институти АРМ ахборот технологиялари бўлими мудири Парахат Алланиёзов. — Олий ва ўрта махсус таълими вазирлигининг 2011 йил 8 июлдаги буйруғи асосида кутубхонага «KaDaTa» дастури ўрнатилди. Ўқув адабиётларининг мониторинги ўтказилиб, етишмайдиган ва кам нусхадаги ўқув адабиётлари кўпайтирилиб, ўқув залларига қўйилди. 1735 номдаги ўқув адабиётининг электрон версиялари ишлаб чиқилган.

Семинар-тренингда АРМлари олдида турган галдаги вазифалар белгиланди.

Дилшод КАРИМОВ

«Камалак»нинг ранго-ранг тадбирлари

Когон туманидаги 12-мактабнинг «Камалак» оромгоҳида ёзги соғломлаштириш жараёни намунали ташкил этилган.

— Иккинчи мавсумда 60 нафар болажонни қабул қилдик, — дейди оромгоҳ раҳбари Мастура Нажмиддинова. — Тарбияланувчилар бошланғич синф ўқувчилари. Режамиз ҳам уларнинг ёш хусусиятларига мослаб тўзилган. Отаналар бадали 11 минг 500 сўмни ташкил этади. Дам

олувчиларга 10 кун мобайнида сифатли ва сервитамин озиқ-овқат берилди. Бизга паррандачилик фабрикаси ҳомийлик кўрсатмоқда.

«Салом, менинг оромгоҳим» тадбири билан бошланган мавсум давомида қатор спорт мусобақалари, тарихий ёдгорликлар, муқаддас қадам-

Отин yoz — o'lsin soz

жоларга саёҳатлар, «Бирга ўйнаб қувнаймиз», «Ёзининг сеҳрли оғушида», «Бир бор экан, бир йўқ экан» каби қизиқarli тадбирлар ўтказилмоқда.

Кўчма кутубхона доимо ўқувчилар билан гавжум. Шахмат-шашка, тикиш-бичиш, моҳир қўллар, тўқиш тўғарақларидаги машғулотлар болажонлар таътилига мазмун бағишламоқда.

Сора ТОШЕВА,
«Ma'rifat» мухбири

Кичик мутахассис — фермерга кўмакчи

Андижон вилояти ер ресурслари давлат кадастри бошқармаси Марҳамат қишлоқ хўжалиги касб-хунар коллежига зараркунанда ҳашоратларга қарши дори сепувчи дастали пуркагичлар тўпламини тақдим этди. Бунинг натижасида муассасанинг 9 нафар битирувчиси экинларга зиён етказувчи зараркунандаларга қарши курашиш мақсадида коллеж қошида ташкил этилган гуруҳга ишга қабул қилинди.

Айни пайтда вилоятдаги агросаноат ва

қишлоқ хўжалиги йўналишида фаолият кўрсатаётган 20та касб-хунар коллежи ҳомий ташкилотлар томонидан ана шундай дастали ва моторли пуркагичлар билан таъминланмоқда. Фермерлар ер майдони ҳамда аҳоли томорқаларидаги мева-сабзавотларни зарарли ҳашоротлардан асраш мақсадида ташкил этилаётган мазкур гуруҳлар Андижон қишлоқ хўжалик институти мутахассисларидан ушбу йўналиш бўйича бир ҳафта сабоқ олади. Шу орқали коллеж битирувчиларидан 180 нафари иш билан таъминланиши мўлжалланган.

О.СИДДИКОВ

Мутахассислар журналистларга

Сил касаллиги профилактикасига оид аҳолининг билимини оширишда оммавий ахборот воситаларининг ўрни катта. Бунинг учун, аввало, журналистларда сил хасталиги ҳақида тўғри тушунча ва билимлар шаклланиши зарур. «Пойтахт» бизнес марказида журналистлар учун «ОИВ ва сил касаллигини ОАВда ёритиш» мавзусида семинар бўлиб ўтди.

Семинарда мутахассислар ўз чиқишлари орқали ОАВ ва ОИТС бўйича вазият, мавзунинг қонуний асослари ва тиббий жиҳатлари ҳақида тўхталди. Журналистларни қайта тайёрлаш халқаро мар-

Парпиева «Ўзбекистонда ОИВ ва ОИТС бўйича вазият, мавзунинг қонуний асослари ва тиббий жиҳатлари ҳақида тўхталди. Журналистларни қайта тайёрлаш халқаро мар-

кази ходимлари ОИВ, сил, гиёҳвандлик масалаларини ёритиш бўйича медиа-режаларни тузиш тўғрисида фикр-мулоҳаза билдирди.

— Икки кунлик семинар орқали ушбу касалликларнинг тарихи, келиб чиқиш омиллари, даволаш усуллари билан танишдик ва уларни ОАВда қандай ёритиш зарурлигини билиб олдик, — дейди иштирокчи Ҳаким Йўлдошев. — Бу келгуси иш фаолиятимизда ўз самарасини беради.

Шаҳрибону ИМОВАВА,
ЎЗДЖТУ талабаси

Тиббиётда қуёш батареялари

Бугунги кунда муқобил энергия манбаи ҳисобланган қуёш батареяларидан халқ хўжалигининг турли соҳаларида унумли фойдаланиб келинмоқда.

«Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми» ҳамда Ижтимоий ташаббусларни қўллаб-қувватлаш жамғармаларининг «Ижтимоий соҳа вакиллари қўллаб-қувватлаш учун муқобил энергия манбалари» лойиҳаси доирасида қуёш батареялари тиббиётда кенг қўлланилмоқда. Қўшрабт туманидаги «Жонбулоқ» қишлоқ врачлик пунктида ҳам лойиҳа доирасида қуёш батареялари ва шамол генераторлари фойдаланишга топширилди.

Олис тоғлар орасида жойлашган ушбу тиб-

биёт муассасасига замонавий қурилмаларнинг ўрнатилиши электр энергия таъминоти доимийлигини таъминлаш, аҳолига тиббий хизмат кўрсатиш сифатини ошириш имконини берди.

Худуддаги бир неча қишлоқларда яшовчи 2500дан зиёд аҳолига хизмат кўрсатаётган қишлоқ врачлик пункти зарур тиббий жиҳоз ва асбоб-ускуналар билан таъминланган. Ўрнатилган қуёш батареяси ва шамол генераторлари ана шу замонавий аппаратларнинг узлуқсиз ишлашини ва беморларга аниқ ташхис қўйилиб, самарали даволанишини таъминламоқда.

Дилноза МЎМИНОВА,
Самарқанд шаҳар таянч тиббиёт
коллежи ўқувчиси

Шарифа МАДРАХИМОВА

РИВОЖЛАНТИРУВЧИ МУҲИТ

МТМда у қандай юзага келади?

Боғча боласига бирор нарсани ўргатиб, онгу шуурида тушунча ҳосил қилиш осон эмас. Чунки диққати тарқоқ бўлган кичкина болага ҳар қандай маълумотни беришда кўргазмали воситалардан фойдаланилмас, самара қўтилганидек бўлмайди. Демак, боғча тарбиячиси бола руҳияти, физиологик хусусиятидан келиб чиққан ҳолда машғуллот ўтиш методикасини эгаллаши зарур. Айниқса, бу кичик гуруҳ тарбияланувчилари билан ишлашда муҳим. Пойтахтимиздаги 47-мактабга таълим муассасасида бўлиб ўтган сарҳисоб анжуманида масаланинг аини шу жиҳати эътибор қаратилди. Тошкент шаҳар педагог кадрларнинг қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш институти билан ҳамкорликда ўтказилган тренинг ва мусобақаларда 56та мактабга таълим муассасасидан келган илк ёш гуруҳи тарбиячилари ўзига хос методикасини кўрсатишга ҳаракат қилди. Хусусан, учта гуруҳга бирлашган тарбиячилар янги методик материаллари афзалликларини кўрсатиш орқали ўзаро беллашди. Маҳаллий материаллардан қисқа муддатда болаларга нафақат овунчоқ бўладиган, балки бирор бир таълимий мақсадни амалга оширишда ёрдам берадиган ўйинчоқ ясашди. Бу бўйича иштирокчилар ишини кузатганимизда, бир-бирини такорламаган янгиликлар юзага келди. Олайлик, 35-МТМ

тарбиячиси Раъно Мирза-ахмедова ясаган жўжага атаб болалар кўшиқ айтишди. Мураббий «Айёр тулки» эртагини бошлаб бергач, кичкинтойлар шу ўйинчоқ иштирокида эртани давом эттиришди. Жўжанинг ранги қандайлиги, оёғи, кўзи, қанотлари нечталиги ҳақида сўралиб, болаларнинг саноқ ва ранглар бўйича кўникмаси ривожлантирилди. Бундай ўйинчоқлар билан машғуллотда ривожлантирувчи муҳит яратиш бўйича Юнусобод тумани мактабга таълим муассасалари илк ёш гуруҳи тарбиячилари методика уюшмаси раҳбари Фотима Дадахонова шундай деди:

— Тарбиячи қизиқарли, ўзлаштиришга осон усуллардан фойдаланиши керак, деган мақсадни олдимизга қўйиб, замонавий

методларни ўрганишга киришдик. Ўтган бир йил мобайнида «Боғча учун 1001 методика» йўналишида ишладик. Ҳар ким ўрганганини ўртага ташлади. Энг сара усулларни жамлаб, умумлаштирдик. Тарбиячилар қўл ишланмаларини яратиш бўйича ҳам ўзаро тажриба алмашишди.

О'rganamiz, o'rgatamiz

Методик ёрдам кўрсатиш бўйича ташкил этилган тренингда, барча тарбиячилар аввало касбга доир саволларга жавоб бериш орқали синналди. Кичик ёшли болалар ҳиссиёти, сезиларлини қандай ривожлантириш керак, деган муаммага барча бирдек жавоб излади. Айтиш керакки, йил давомида ҳар ҳафта методика кенгашига мунтазам қатнашган тарбиячилар устунлиги кўзга ташланди. 501-МТМ ходими Гулноза Юнусова бошчили-

гидаги жамоа тарбиячилари тажриба-тадқиқот майдончаларида синовдан ўтган ва янги усулларни ҳамкасблари эътиборига ҳавола этди. Масалан, турли ҳайвонларнинг овозлари, қушларнинг сайроғини сўраш орқали кичкинтойларда фаол руҳий ҳолат ва машғуллотга киришувчанлик оsonлашиши кузатилди.

— Методика уюшмаси йигилишларида фаол қатнашадиган энди иш бошлаган тарбиячилар ва тажрибали устозлар ҳамкорлигини йўлга қўйдик. Натижада, ёш тарбиячининг қайси жиҳатларда оқсаётгани кўринади ва унга йўналтирилган методик ёрдам берилади. Шу орқали тарбиячилар ўз фаолиятида йўл қўйган бўшлиқларни тўлдиришга интилади, ҳамкасблар ўртасида ўзаро ҳамкорлик ривожланиши. Бу эса илгор методикаларнинг янада кенг-роқ оммалашшига замин бўлаяпти, — дейди Юнусобод ТХТМФМТТЭБ мактабга таълим муассасалари бўлими инспектори Манзура Ашрабхўжаева.

Кўп кузатганимиз, таълим муассасаларига методик қўлланмалар амалиётга жорий этилиши учун ёзма равишда юборилади. Бундай таъминот шакли ҳам зарур. Бироқ, ҳар бир иш услуби билан тарбиячи-педагоглар бевосита жараёнда, яъни методика кенгашиларида таъинишса, таассурот ва тушунчалар янада тўлиқроқ бўлади.

Насиба ЭРХОНОВА,
«Ma'rifat» мухбири

Самарқанд шаҳридаги 1-сонли боғча-мактабда аини пайтда тўртта бошланғич синф ва ўн та мактабга таълим гуруҳи мавжуд. Синфларда 105 нафар, боғча гуруҳларида 259 нафар ўғил-қиз таълим-тарбия олиб келмоқда.

Мажмуада ҳар ойнинг охири жума куни «Эртақ тақдими» ўтказилади. Шу орқали болаонлар қалбида китобга меҳр ва ҳурмат ҳисси ошиб, кўлаб ҳикоят, афсона, ривоят, топишмоқ, мақол ва ҳикматлар билан яқиндан танишадилар. Тақ-

ЭРТАҚ ТАҚДИМОТИ

димот чоғи барча ўқувчи ва тарбияланувчилар тақдим этилаётган китоб ҳақида тўлиқ маълумотга эга бўлади ва тадбирда фаол иштирок этади. Аҳамиятли томони, жараёнда тарбияланувчиларнинг дунёқараши кенгайиб нутқи ўсади. Натижа ҳам ёмон эмас. Мажмуа тарбияланувчилари қатор йиллардан буён Самарқанд вилояти миқёсида ўтказиб келинаётган турли танловларда фахрли ўринларга сазавор бўлишаяпти.

Спорт йўналишида ҳам эътирофга лойиқ ишлар амалга оширилмоқда. Жисмоний тарбия машғулоти спорт мусобақалари ва ҳаракатли ўйинлар асосида ташкил этилади. Шу боис мактабга таълим муассасалари тарбияланувчилари ўртасида ўтказиладиган «Соғлом-жон-полвонжон» беллашувида ҳам юқори кўрсаткичлар қайд этиляпти.

Ҳақим ЖўРАЕВ,
«Ma'rifat» мухбири



ТИЛИ ШИРИН БЎЛСИН БОЛАНИНГ

Инсон мукаммал суратда, бенуқсон шакл-шамолда яратилган бўлса-да, гоҳида турли сабабларга кўра жисмоний имконияти чекланган, нуқсонли болалар ҳам дунёга келади. Уларга таълим-тарбия бериш, касб-хунар ўргатиш, оиласига, жамиятга нафи тегадиган инсон қилиб вояга етказиш беҳад залворли, шарафли ва савобли ишдир. Республикамизда жисмоний имконияти чекланган болалар парваришига катта эътибор берилиб, махсус мактабга таълим муассасалари, мактаблар, тиббий муассасалар ташкил этилган, олий ўқув юрларида ушбу йўналишда малакали мутахассис кадрлар тайёрланмоқда. Низомий номдаги Тошкент давлат педагогика университети ана шундай масканлар пешқадамларидан саналади. Мукаррам Аюпова бир неча йилдан буён университетнинг дефектология факультетида логопедия фанидан дарс беради. У «Мактабга таълим катта ёшдаги ўзбек болаларида фонетик-фонематик камчиликларни енгиш» мавзусида номзодлик диссертациясини ёқлаганидан кейин логопедик тадқиқотлар қўламини янада кенгайтириб, эшитишда камчилиги бўлган, кўзи ожиз, ақли заиф болаларни ўқитиш, тарбиялаш муаммолари билан янада чуқурроқ қизиқа бошлади.

Мукаррам Аюпова шу йўналиш-

да таълим олаётган талабалар учун логопедия фанидан дарслик ёзди. Педагогик тажрибасига таяниб, дарсликни такомиллаштириб, тўлдириб борди ва қайта нашр эттирди. Дарсликнинг биринчи бўлимида нутқ бузилишлари этимологияси, нутқнинг анатомик-физиологияси, нутқнинг механизми, нутқ бузилишларини таснифлаш, таҳлил қилиш ва логопедик таъсир тамойиллари ҳамда методлари, болалар нутқининг ривожланиш хусусиятлари ҳақида фикр юритилади. Иккинчи бўлимда эса нутқ камчиликларининг турлари ва уларни бартараф этиш масалалари таҳлил этилади. Жумладан, ўзбек тили товушлари таснифи келтирилади. Шунингдек, дислалия, ринология, дизартрия, овоз бузилишлари, алалия, афазия, нутқ темпининг бузилиши, дудқланиш, ёзма нутқ бузилишлари билан боғлиқ масалаларга кенг ўрин берилган.

Нутқ бузилишларининг сабаблари, турлари, белгилари, уларни бартараф этишда логопедик таъ-

сир методикаси, турли амалий машқлар кўрсатиб ўтилган. Машқлар кўргазмали суратда намойиш қилинган. Овоз бузилишлари, уларнинг келиб чиқиш сабаблари ва механизми, болалар овозини ривожлантириш ҳамда тиклаш методикаси ҳақида муфассал тушунтирилган.

Эшитишда камчилиги бўлган болалар билан олиб бориладиган логопедик ишларнинг ўзига хос хусусиятларига бағишланган бобда эса заиф эшитиш сабаблари, товуш талаффузининг бузилиши, унинг асосий шакллари ҳақида фикр юритилган.

Дарсликда яна кўзи ожиз, ақли заиф болалар, церебрал фалаж болалар билан ишлаш бўйича маълумотлар келтирилган. Болаларда фонетик-фонематик нутқ ривожланганлигини бартараф этиш, коррекцион ишнинг турли даврларида олиб бориладиган логопедик ишлар хусусида зарур йўл-йўриқлар берилган.

Логопедик текшириш, нутқ картаси, логопед ишини режалашти-

риш, ишни ҳисобга олиш кундалиги, болаларнинг индивидуал дафтарлари, логопедик кабинет жиҳози ва унда амалга ошириладиган ишлардан тортиб, логопед ота-оналар билан ҳамкорликда қандай иш олиб бориши кераклигига ҳам эътибор қаратилган.

Дарслик талабаларни логопедик ёрдамни ташкил этишга даъват қилинган махсус ёрдамчи муассасалар тизими, махсус мактаблар, умумтаълим мактаблари қошидаги логопедик пунктлар, соғлиқни сақлаш тизимидаги логопедик ёрдам, ихтисослаштирилган боғчалар, даволаш-соғломлаштириш муассасалари, катта ёшдаги аҳолига ёрдам ва кўпгина бошқа масалалар бўйича тўлиқ маълумот беради.

Маълумки, нутқ камчиликларини даволашдан кўра олдини олиш муҳим аҳамиятга эга. Муаллиф бу масала бўйича қўлга киритилган ютуқлар, эришилган натижалар, ортирилган бой тажрибаларга асосланиб, муаммага ойдинлик киритишга ҳаракат қилган.

«Логопедия» фани бўйича бундай дарсликнинг яратилиши, логопедлар, ўқитувчилар ҳамда дефектология факультетида таълим олаётган талабаларга, шубҳасиз, катта ёрдам беради.

Р.МАВЛОНОВА,
Низомий номдаги ТДПУ
профессори

"CASE STUDY" УСУЛИДАГИ МАШҒУЛОТЛАР

Ўқувчида мустақил ишлаш кўникмасини ривожлантиради

Ҳозирги кунда педагогика соҳасидаги энг долзарб вазифалардан бири ҳар томонлама кучли, билимли, мустақил фикрлайдиган шахсни тарбиялашдир. Бунда дарсда ва амалий машғулотларда мустақил ишларнинг ташкил этилиши муҳим аҳамиятга эга. Ахборот оқими ва билимлар доираси тез суръатлар билан кенгайиб бораётган ҳозирги шароитда барча маълумотларни фақат дарс машғулотларида ўқувчиларга етказиш қийин, албатта. Шунинг учун ҳам ўқитувчилар ўқувчиларнинг мустақил ишларини тўғри ташкил этишга алоҳида аҳамият қаратиши лозим.

Кузатишларимиз шуни кўрсатадики, касб-хунар коллежи ўқувчилари томонидан мустақил ишларни инновацион педагогик технологиялар асосида ташкил этиш бўйича тажрибаларимиз ҳали етарли эмас. Касб-хунар коллежи ўқитувчилари мустақил ишларга етарли даражада эътибор бермасдан анъанавий усуллар(реферат ёзиш, мисол ечиш ва ҳ.к.) билан чекланадилар, холос. Бу турдаги усуллар эса ўқувчини мустақил фикрлашга ўргатмайди, касбий кўникмасини ривожлантирмайди, машғулотга бўлган қизиқишини оширмайди.

Ҳақиқий инновацион педагогик технологияларда ўқув мақсадлари бўлажак касбий фаолиятга қаратилган бўлади. Бундай технологиялардан бири "кейс-стади"дир.

Мазкур технологиянинг мазмун-моҳияти шундаки, унинг асосини аниқ вазият ёки ҳодиса ташкил этади («case» — ҳодиса). Шунинг учун, биринчидан, таҳлил этилаётган ҳодисада реал ҳаётнинг вазият акс этиши керак, иккинчидан, бу вазиятда ҳали охиригача ҳал қилинмаган, яширин муаммо ёки бир нечта муаммолар бўлиши зарур.

Кейс билан ишлаш жараёнида дарсда берилган маълумотлардан ташқари кўшимча ахборотлар ҳам талаб этилади. Бу ахборотлар билан ишлаш жараёнида ўқувчилар мустақил равишда ҳулоса чиқаради, муаммоларни вазиятни ҳал этиш бўйича ўз тақлифларини беради.

Кейс технологияси интерфаол технологиялар сирасига киради. Чунки у ўқитувчи ва ўқувчи ўртасидаги "субъект — субъект" муносабатлари орқали амалга оширилади. Яъни ўқувчи таълим олишнинг фаол субъектига айланади, унда жамоа билан ҳамкорликда

ишлаш, ўз фикрини билдириш ва ҳимоя қилиш кўникмалари шаклланади.

Энг муҳими, кейс технологияси ўқув фазосидан ташқарига қаратилган бўлиб, ўқувчиларни ўзлари эгаллаётган касб билан боғлиқ муаммоларни ҳал этишга йўналтиради, касбий мотивацияни шакллантиради.

Ўқитувчи учун кейс технологиясини қўллаш бир қанча қийинчиликларни туғдириши мумкин. Энг аввало, бу технология ўқитувчидан танқидий тафаккур ва ижодий фаолиятни, қолаверса, кейсларни ишлаб чиқиш кўникмасини ривожлантириш учун ўз устида доимий ишлаш, фан бўйича янги ахборотларни тўплаш, чет эл тажрибаларини ўрганишни талаб этади.

Касб-хунар коллежлари ва академик лицейларда муаммолар кейслардан фойдаланиш мақсадга мувофиқ. Бунда очик мулоқот усули самаралироқ. Очик мулоқотда асосий омиллар ўқувчиларнинг кўникма ва малакалари, ўқитувчининг мулоқотни ташкил эта олиш қобилияти саналади. Саволларни бериш жараёнида ўқитувчи ўқувчиларнинг диққатини кейс матнидаги аниқ ахборотга қаратади, тўғри жавоб беришга ундайди. Кейс матнидаги муаммони ажратиб олиш, вазиятни баҳолаш, ҳодиса ва жараённи таҳлил қилиш ўқувчиларнинг коммуникацион кўникмаларини ҳам ривожлантиради.

«Кейс-стади» технологиясидан таълим натижаларини назорат қилиш ва текширишда ҳам фойдаланиш мумкин. Ҳар бир ўқувчига имтиҳондан олдин индивидуал кейс берилади. Ўқувчилар кейсдаги топшириқларни бажариб, ҳисобот шаклида ўқитувчига топширади.

Дарсга тайёрланиш жараёнида ўқитувчи ўқув мақсадларини ҳисобга олган ҳолда ҳар хил турдаги кейсларни ишлаб чиқиши лозим.

Кейс асосидаги ўқув машғулотларида ўқувчилар фаолиятини турли шаклларида ташкил қилиш имконияти мавжуд. Масалан, тақлиф этилаётган вазият саҳналаштирилиши ҳамда "Ақлий ҳужум", баҳс-мунозара, илмий баҳслашув методлари орқали муҳокама қилиниши мумкин.

Кейсларнинг бир нечта тури мавжуд.

1. Амалий кейслар. Бунда вазият ёки ҳодиса реал акс этади. Унинг асосини тарихий манба, реал ҳужжат, статистик маълумотлар

ташкил қилади. Бу турдаги кейсларнинг мақсади тарихдаги реал ҳодисани, экологик ёки технологик муаммони ҳал этиш йўллари моделаштириш, олинган билимдан ҳаётда фойдаланиш кўникмасини шакллантиришдан иборат.

2. Таълимий кейслар.нинг вазифаси таълим бериш бўлиб, асосини ўқув вазиятлар ташкил этади. Бу кейсларни бажариш жараёнида шаклланиган кўникмалар малакага айланади.

3. Илмий кейслар ўқувчини тадқиқотга йўналтириш мақсадида ишлаб чиқилади.

Sinab ko'ring

Масалан, локал, регионал типдаги лойиҳаларни ишлаб чиқиш. Уларнинг мавзулари ҳар хил бўлиши мумкин. Масалан, "XX аср тарихий материалларида инсоний қадриятлар", "Худуддаги экологик вазият" ва ҳ.к. Бу турдаги кейс материалларига мавзуга оид илмий изланиш олиб борган олимларнинг ишларини киритиш мумкин. Бундан ташқари, адабиёт манбаларидан, биографик материаллардан ҳам фойдаланса бўлади.

«Кейс-стади» технологиясига қўйилган талаблар:

- мавзу долзарб ва бир нечта ечимларга эга бўлиши;
- танланган матн ўқув машғулотининг мақсадида мос келиши;

- тадқиқ қилинаётган муаммони ҳал этиш учун ахборотнинг етарли бўлиши.

«Кейс-стади» бошқа технологиялардан қуйидаги жиҳатлари билан фарқ қилади:

1. Топиш ва ҳал қилиш зарур бўлган муаммолар вазиятнинг мавжудлиги.

2. Муаммони жамоада муҳокама қилиш.

3. Муаммонинг бир нечта ечимлари мавжудлиги.

4. Таълим олувчиларнинг эмоционал ҳолатларини бошқариш мумкинлиги.

5. Фаолиятни баҳолаш имконияти.

Кейс технологиясини ташкил этишда ўқитувчининг фаолияти икки босқичдан иборат бўлади:

Биринчи босқич — кейс ва унинг таҳлили учун саволларни ишлаб чиқиш учун ўқитувчининг ижодий иши. Бу босқич ўқув машғулотида олдин амалга оширилади ва педагогнинг илмий-тадқиқот, методик ва конструктив фаолиятини қамраб олади.

Иккинчи босқич — ўқитувчининг аудиториядаги фаолияти. Бунга ўқитувчининг

кириш сўзи, ҳулосаси, кичик гуруҳларда ишни ташкил этиши, баҳс-мунозарани бошқариши, вазият таҳлили бўйича ўқувчилар фаолиятини баҳолаши киради.

Кейс билан ишлаш қуйидагилардан иборат:

Ҳамкорликдаги фаолиятга киришиш. Бу босқичнинг асосий вазифаси ҳамкорликдаги фаолиятга бўлган мотивацияни шакллантириш.

Ҳамкорликдаги фаолиятни ташкил этиш. Бу босқичнинг асосий вазифаси кичик гуруҳларда ёки индивидуал тарзда муаммони ҳал этиш бўйича фаолиятни ташкил этиш. Ҳар бир гуруҳда спикер (муаммо ечимини тақдим этадиган), котиб (муҳокаманинг боришини ёзиб борадиган), вақт назоратчиси (вақт ўтишини назорат қиладиган) танланади. Агар кейс тўғри тузилган бўлса, бир гуруҳнинг ечими бошқа гуруҳнинг жавобига ўхшамайди. Ўқитувчи баҳсини ташкил этади ва уни бошқаради.

Ҳамкорликдаги фаолиятни таҳлил қилиш ва рефлексия. Бу босқичнинг

асосий вазифаси кейс билан ишлаш натижаларини ажратиб кўрсатиш. Ўқитувчи баҳс-мунозарага яқун ясайди, гуруҳлар фаолиятини баҳолайди, ҳулоса чиқаради.

Мисол тариқасида "Экология ва атроф-муҳит муҳофазаси" фанидан "Оқова сувларини тозалашда сув ўтларининг асосий вазифаси ҳамкорликдаги кейс келтирилади.

Кейснинг ўқув мақсади: оқова сувларни тозалашда замонавий усулларнинг аҳамиятини очиб бериш.

Кейснинг бажариш жараёнида ўқувчиларда қуйидаги кўникмалар ривожланади:

1. Ахборотни қабул қилиш ва қайта ишлаш (матнни таҳлил қилиш, сабаб-оқибат алоқаларини ўрнатиш, муаммони ҳал этиш йўллари қидириш, ахборотни синтез қилиш).

2. Коммуникатив (суҳбат юритиш, бошқаларни ишонтириш, ўз нуқтаи назарини ҳимоя қилиш, бошқаларнинг ҳулқ-атворини баҳолаш, ўзини назорат қилиш).

3. Рефлексив кўникма (ўзининг ва бошқаларнинг фикрини таҳлил қилиш).

Кейс билан ишлаш босқичлари	Кейс мазмунини яхшироқ тушуниш учун методик тавсифлар
1. Кейс матнини ўқиш (кейс матни «ZiyoNet» сайтидаги материаллардан тузилган).	Матнни ҳар бир ўқувчи икки марта ўқийди.
2. Матнни ўз сўзлари билан гапириб бериш.	Матн ўқувчилар томонидан занжир тарзида гапирилиб берилади. Сўзлаш жараёнида айрим деталларга аниқлик киритилади.
3. Муаммони қидириш (аниқлаш). Матнда қандай муаммо ҳақида гап кетяпти?	Муаммолар бир нечта бўлиши мумкин. Бундай ҳолатда улар ўртасидаги алоқадорликни топиш керак.
4. Муҳокама қилиш. Муаммо қандай намоён бўляпти?	Венн диаграммаси, SWOT таҳлил жадвали, резюме жадвалларини тўлдириш орқали муаммонинг ечимини топиш мумкин.
5. Мезонларни ажратиш (идеал, яъни муаммоси йўқ системанинг моделини келтириш).	Бу қандай натижага олиб келишини кўрсатиш учун керак.
6. Муаммони ҳал этиш йўллари аниқлаш.	Муаммо ечими йўллари ёзиб бориш мақсадга мувофиқ. Бу энг муҳим нарсани эсдан чиқармаслик учун керак.
7. Гуруҳнинг тақдимотга тайёргарлиги (тавсия этиладиган шакллар):	
1. Асосланган эссе.	Бу жараёнда ўқувчиларнинг ижодий қобилияти шаклланади.
2. Таянч контекст.	
3. Схема.	
4. Жадвал.	
5. Мультимедиа тақдироти.	
8. Тақдимот ўтказиш.	

FANLAR KESIMIDA O'TKAZILADIGAN SHO'BA YIG'ILISHLARI UCHUN TAVSIYALAR

(Davomi.
Boshi o'tgan sonlarda.)

BOSHLANG'ICH TA'LIM

Boshlang'ich ta'limda o'quvchilarning umummadaniy va ahloqiy ko'nikmalari, dastlabki savodxonlik malakalari shakllantiriladi. Shuningdek, ta'limning bu bosqichida o'quvchining mantiqiy tafakkur qila olish salohiyati, aqliy rivojlanishi, dunyoqarashi, kommunikativ savodxonligi va o'z-o'zini anglash qobiliyatlarini rivojlantirishga dastlabki poydevor qo'yiladi. O'quvchi 1—4-sinflarda o'quv jarayonining ta'limiy, tarbiyaviy va rivojlantiruvchi maqsadlariga mos ravishda jismonan sog'lom bo'lish, moddiy borliq go'zalliklarini his etish, go'zallik hamda nafosatdan zavqlana olish, milliy urf-odatlarini o'ziga singdirish, ardoqlash hamda rioya qilish kabi ko'nikmalarga ham ega bo'lib borishi barchamizga ma'lum.

Mustaqillik yillarida boshlang'ich ta'lim sifatini oshirishga alohida e'tibor qaratildi. Bugungi kunda deyarli barcha umumta'lim maktablari oliy ma'lumotli boshlang'ich ta'lim o'qituvchilari bilan ta'minlandi. Shuningdek, o'quv reja va dasturlar ham takomillashib, o'quvchini ham ma'nau, ham ruhan barkamol, dunyoqarashi keng va chuqur bilimli shaxs qilib tarbiyalashga yo'naltirilgan bilimlar bilan boyitilmoqda. Jumladan, Xalq ta'limi vazirligining 2012-yil 16-maydagi "Umumiy o'rta ta'lim maktablari uchun 2012-2013-o'quv yiliga mo'ljallangan tayanch o'quv rejani tasdiqlash to'g'risida"gi 160-sonli buyrug'i asosida o'quv reja va o'quv dasturiga bir qator o'zgarishlar kiritilgan bo'lib, an'anaviy avgust kengashlarining boshlang'ich ta'lim yo'nalishi sho'ba yig'ilishlarida o'qituvchilarga bu borada to'liq tushuntirish va tavsiyalar berish maqsadga muvofiqdir.

2—4-sinflarda "Konstitutsiya alifbosi" kursi o'qish, atrofimizdagi olam, tabiatshunoslik fani tarkibida o'qitiladi.

Xususan, 2-sinf o'qish fanidagi "O'zbekistonim" mavzusiga "O'zbekiston — mening vatanim" mavzusi singdirilib, O'zbekiston bizning vatanimiz ekanligi, gerb, madhiya, bayroq davlatimiz ramzlari ekanligi;

"Biz vatanning ertasi" mavzusiga "Bu — biz" mavzusi

singdirilib, yoshlar yurtimiz kelajagining yaratuvchisi ekanligi, buyuk ajdodlarning davomchilari yurt sha'nini pok saqlashi lozimligi; "Ona tilim" she'ri" (T.Adash-boyev) mavzusiga "Ona tilim — davlat tilim" mavzusi singdirilib, o'zbek tili ona tilimiz ekanligi, unda 1989-yil Davlat tili maqomi berilganligi, O'zbekistonda rasmiy hujjatlar o'zbek tilida yuritilishi;

"Inson va tabiat" mavzusiga "Huquqlarimiz va burchlarimiz" mavzusi singdirilib, fuqarolarning konstitutsiyamizdagi huquq va burchlari, tabiatni asrab-avaylash, bu maqsadlarga xizmat qiluvchi O'zbekiston Respublikasi qonunlari haqida tushuntirilishi lozim.

Vazirlar Mahkamasining 2003 yil 22 avgustdagi "Din sohasidagi ma'naviy-ma'rifiy, ta'lim ishlarini va faoliyatni yanada takomillash-tirishda ijtimoiy ko'mak va imtiyozlar berish to'g'risida"gi 364-sonli qarori ijrosini ta'minlash maqsadida "Dinlar tarixi" kursidan 17 soatga mo'ljallangan dastlabki umumiy tushunchalar 1—4-sinflarda o'qibnom, atrofimizdagi olam, o'qish, mehnat, tabiatshunoslik fanlari va tarbiyaviy soatlar tarkibida o'qitiladigan bo'lib.

Jumladan, 1-sinf o'qish o'quv dasturining "O'quv va bilim haqida" mavzusi tarkibiga "Ilm va hunarning xosiyati haqida donolar o'giti" mavzusi singdirilgan bo'lib, donolarning ilm haqida aytgan ibratli fikrlari va pand-nasihatlar; 3-sinf tabiatshunoslik fanida "Tabiat va inson — bir butun" mavzusiga "Ona tabiat — go'zallik manbai" mavzusi singdirilib, uni asrab-avaylash lozimligi; 4-sinf o'qish o'quv dasturining "Navoiy bobomlar" mavzusi tarkibiga "Barhayot siymolar" mavzusi singdirilgan bo'lib, ajdodlarimiz qoldirgan boy ma'naviy meros haqida tushuncha berib o'tiladi.

1 — 4-sinflarda iqtisodiy va soliq alifbosi kursining o'quv materiallari o'qish, ona tili, matematika, atrofimizdagi olam, mehnat fanlari tarkibida o'qitiladi.

Jumladan, 1-sinf o'qish o'quv dasturidagi "Kitobga mehr" mavzusi tarkibiga "Odamlarning yashashi uchun faqat moddiy ehtiyojlar, turli xil narsalarning o'zi yetarliymi? Ma'naviy ehtiyojlar: bilim olishga bo'lgan ehtiyoj" mavzusi, "Non isi" mavzusi tarkibiga "Xohish va istak. Xohish va istaklarning ko'pligi, hamma vaqt ham odamlar o'z orzulariga yetishadimi?" mavzusi;

3-sinf o'qish o'quv dasturidagi "Mehnatkash qiz" mavzusi tarkibiga

"Oilaning daromad manbalari: ish xaqi, qarilik pensiyasi, stipendiya, nafaqa va boshqalar" mavzusi, "Bebaho boylik" mavzusi tarkibiga "Tadbirkorlar kimlar? Ular nimasi bilan boshqalardan ajralib turadi? Tadbirkorlar nima bilan shug'ullanadi?" mavzusi;

2-sinf ona tili fanidagi 33-mashq — "Oila budjeti" matni tahlili darsi tarkibiga "Nima qayerda sotiladi? Xizmat ko'rsatish shoxobchalari" mavzusi; 78-mashqdagi "Bozor" mavzusi tarkibiga "Bozor va do'konlardan kerakli narsalarni xarid qilish" mavzusi;

3-sinf ona tili fanidagi 80-mashq — "Baqqol" matni darsi tarkibiga "Oila xarajatlari: oziq-ovqat, kiyim-kechak, uy jihozlari va boshqalar. Oilada iqtisod va tejamlorlik" mavzusi singdirildi.

1-sinf "Atrofimizdagi olam" fanidagi "Biz foydalanadigan jihozlar" mavzusi tarkibiga "Ehtiyojlar va imkoniyatlar. Odamlar yashashi uchun qanday narsalar kerak bo'ladi? Moddiy ehtiyojlar: suv, havo, oziq-ovqat, kiyim-kechak, uy-joy, turli jihozlar, buyumlar va boshqalar" mavzusi singdirildi.

Hayot xavfsizligi asoslari o'quv fanidagi mavzular o'qibnom, atrofimizdagi olam fanlari tarkibida o'qitiladi.

Jumladan, 1-sinfda atrofimizdagi olam fanidagi "Biz foydalanadigan jihozlar" mavzusi tarkibiga "Uydagi xavfsizlik" mavzusi singdirildi, bunda o'quvchilarni uyda xavf keltirib chiqaruvchi omillar (o'tkir, kesuvchi predmetlar, gaz, vodoprovod, elektr asboblari va h.k.)dan muhofazalanishga o'rgatish, ulardan noto'g'ri foydalanishning ayanchli oqibatlarini boshqa xavfsizlik qoidalari bilan tanishtirish asosiy ta'limiy maqsad hisoblanadi. Shuningdek, "Elektr jihozlari" mavzusi tarkibiga esa "Yong'in ham do'st, ham dushman" mavzusi singdirildi. Bunda shikastlanishga olib kelishi mumkin bo'lgan joylar, lampochka, televizor, radio, magnitofon, muzlatgich, dazmol va boshqa elektr jihozlaridan foydalanish, yong'inga qarshi xavfsizlik qoidalari, inson hayotida olovning ahamiyati, olovning yong'inga aylanish sabablari, xonadonda, tabiatda, transportda yong'in paydo bo'lish sabablari, bolalarning gugurt bilan o'ynashi, pirotexnika vositalaridan foydalanishi zararlari haqida tushuncha beriladi. "Bizning mahalla" hamda "Men yashaydigan manzil" mavzulari tarkibiga "Uyda va uydan tashqarida begonalar bilan muloqotdagi xavfsizlik" mavzusi

singdirildi. Bunda o'quvchilar uyda yolg'iz qolganda va uydan tashqarida begonalar bilan muloqotda bo'lganda o'z xavfsizligini ta'minlash, yo'llarda ehtiyot bo'lish, elektr shitlarini o'ynamaslik haqida tushunchalarga ega bo'lishadi.

Boshlang'ich sinflarda o'qituvchilar o'quvchilarning yosh xususiyatlari va qiziqishlarini e'tiborga olgan holda ta'limiy o'yinlar, didaktik materiallar, elektron ko'rgazmali vositalardan mohirona foydalanishlari lozim. Shuning uchun sho'ba yig'ilishlarida ilg'or ish tajribalaridan foydalangan holda mahorat mashg'ulot: (tajriba namoyishi) suhbatlarini tashkil etish maqsadga muvofiq.

2012—2013-o'quv yilida dars jarayonida quyidagi darsliklardan foydalanish tavsiya etiladi: 2-sinf "O'qish kitobi" (T.G'afforova, Sh.Nurillaeva, Z.Mirzahakimova), 2-sinf "Matematika" (N.Abdurahmonova, L.O'rinboeva), 3-sinf "O'qish kitobi" (M.Umarova, X.Hamroqulova, R.Tojiboyeva), 3-sinf "Matematika" (S.Burxonov, O'.Xudoyorov, Q.Norqulova) darsliklari va ularning metodik qo'llanmalari.

Boshlang'ich ta'lim sho'ba yig'ilishida quyidagi mavzular bo'yicha bahs-munozara, davra suhbatlari yoki seminar-treninglar o'tkazish tavsiya etiladi:

1. DTS va uzviylashtirilgan o'quv dasturidagi o'ziga xosliklar, darslik va o'quv qo'llanmalardan dars jarayonida foydalanish muam-molari.

2. Ona tili, o'qish darslarida o'quvchilarning yozma savodxonligi hamda nutq madaniyatini rivojlantirish.

3. Matematika darslarida interfaol metodlardan foydalanish tajribalari.

4. Boshlang'ich sinf o'quvchilarini bayon va insho yozishga o'rgatish usullari.

5. Axborot-kommunikatsiya texnologiyalarini tabiatshunoslik (3—4-sinf) darslarida qo'llash.

6. Ko'pxonal sonlarni qo'shish va ayirish to'g'ri bajarilganligini tekshirish yo'llari.

7. Matematika darslarida oddiy va murakkab masalalar yechish metodikasi.

8. Boshlang'ich sinf o'quvchilarini mustaqil badiiy asarlar o'qishga qiziqitirish.

9. Darsga tayyorgarlik jarayonida internet saytlari, resurs-laridan foydalanish yo'llari.

10. O'quvchilarni tarbiyalashda, oila, mahalla, maktab hamkorligi konsepsiyasining ahamiyati.



MUSIQA
MADANIYATI

Musika ta'limining ham bola shaxsini shakllantirishdagi o'rni beqiyos. Shunday ekan, ushbu fan o'qitilishida samaradorlikni oshirish, shaxsning ta'lim markazida bo'lishiga e'tibor qaratish musika madaniyati fani o'qituvchilariga alohida mas'uliyat yuklaydi. Prezidentimizning "Musika va san'at maktablarining moddiy-texnik bazasini yaxshilash to'g'risida"gi 910-sonli qarori doirasida amalga oshirilayotgan ishlar zahirida o'quvchilarimizni barkamol qilib tarbiyalash, ma'naviyatli yoshlar orqali yurtimiz taraqqiyotining poydevorini mustahkamlash, uning buyuk kelajagini bunyod etishdek ezgu maqsad yotadi.

2012-2013-o'quv yili uchun takomillashtirilgan o'quv dasturi bola ruhiyati va ma'naviy olamini go'zallashtiruvchi, Vataniy tushunchasini kuchaytiruvchi, milliy va umuminsoniy qadriyatlar tarannumi aks etgan kuy-qo'shiqlar bilan boyitildi. Optimallashtirilib, qayta ishlangan o'quv dasturi asosida tuzilgan taqvim-mavzuli reja asosida 2—7-sinflarga jamoa bo'lib kuylash uchun quyidagi qo'shiqlar kiritildi: 2-sinfda "Bolalar qo'shig'i", Mirshakar she'ri, X.Hasanova musiqasi, "Sho'x bolajonlar", I.Jiyanov she'ri, X.Hasanova musiqasi "Quyosh", I.Jiyanov she'ri, G.Qo'chqorova musiqasi; 3-sinfda "Maktabim", A.To'xtayev she'ri, X.Inag'omov musiqasi, "Bolalik", Dilnur she'ri, X.Hasanova musiqasi; 4-sinfda "Vatan", X.Raxmat she'ri, X.Hasanova musiqasi, "Mehri kunlar", N.Isroilov she'ri, X.Hasanova musiqasi, "Navbahor", N.Narzullayev she'ri, G.Qo'chqorova musiqasi, "Maktab", K.Turdiyeva she'ri, J.Abdurahmonov musiqasi; 5-sinfda

"Mening diyorim", I. Jiyanov she'ri, X. Hasanova musiqasi, "Navro'z", K.Turdiyeva she'ri, N. Qurbonova musiqasi, "Sumalak", A.Obidjon she'ri, X.Hasanova musiqasi, "Barkamol avlod", I. Mirzo she'ri, I.Yo'ldosheva musiqasi, "Gullar", Fotima va Zuhra Ziyomuxamedova she'ri va musiqasi; 6-sinfda "Ustozlar", G.Qo'chqorova she'ri va musiqasi, "Sport", K.Turdiyeva she'ri X. Hasanova musiqasi; 7-sinfda "Tinchlik bo'lsin", X. Axmedova she'ri, X. Hasanova musiqasi, "Shodiyona", R.Isroilova she'ri, X.Hasanova musiqasi, "O'zbekiston", M.Omon she'ri, D.Omonullayeva musiqasi.

O'quvchilarning musiqaga qiziqishi, o'zlashtirish samaradorligini oshirish uchun o'qituvchilar quyidagi jihatlarni e'tiborga olgan holda darslarni rejalashtirish lozim:

— nazariy mashg'ulotlarda o'quvchilarda musika savodi haqida umumiy tushunchani shakllantirish va notalar haqida bilim berish;

— musiqiy cholg'ularni xususiyatiga ko'ra guruhlarga bo'lib o'rgatish;

— dirijorlik qoidalarini va ko'nikmalarini shakllantirishda o'quvchilarga tanish bo'lgan musiqiy asarlardan foydalanish.

O'qituvchilar shunga asosiy e'tibor qaratishi lozimki, amaliy mashg'ulotlarda o'quvchilarning tinglash, jamoa bo'lib kuylash, musiqaga ritmik jo'r bo'lish faoliyat turlarini bajaradilar.

Qo'shiq o'rgatishdan avval ovoz sozlash mashqlari bajariladi. Bunda ovoznining sof, tiniq sozlanishiga erishish va o'quvchilarni to'liq qabul qo'y-maslik uchun notalar o'rni qo'shlar qo'yib, musiqiy shaklda kuylandi. Bunday kuylash o'quvchilarning talaffuzi rivojlanishini ham ta'minlaydi. Ovoz sozlash mashqlari bolalarga yaqin she'riy misralar, tez aytishlar, o'yin sanoqlaridan

tashkil topgan bo'lishi mumkin. Bunda to'g'ri nafas olish va nafas chiqarish qoidalarini ham tushuncha berilishi lozim. Nafas olish texnikasini to'g'ri yo'lga qo'yish uchun bolalarga sharoit yaratish lozim.

Boshlang'ich sinflarda musiqiy asarlarning diapazoni kuinta oralig'ida bo'lishi, seksta intervalidan oshmasligi lozim. Ovoz sozlash mashqlaridan so'ng qo'shiq o'rgatishga o'tish mumkin. Bunda avval qo'shiq matni va mualliflari haqida qisqagina ma'lumot suhbat tarzida beriladi. Suhbat o'zlashtirilgan mavzu haqida to'liq tushunchaga ega bo'lib, fikr-mulohazasini ifodalash ko'nikmasi rivojlanishiga yordam beradi.

Ritmik jihatdan qiyinchilik tug'diradigan qo'shiqlarning ritmini avval chapak yordamida o'rganib, so'ng so'zlar bilan takrorlab, so'z va ritm aniq o'zlashtirilgan so'ng ohang yo'li o'rgatilishi tavsiya etiladi. Musika savodi mashg'ulotlarida esa asta-asta milliy cholg'ular bilan tanishtirgan holda keyinchalik notalar haqida bilimlar boyitib boriladi.

Boshlang'ich sinflarda bolaning tez to'liqlanishini inobatga olgan holda amaliy mashg'ulotlardan so'ng musika tinglash, musika ijodkorligi hamda bolalarning musika asboblari jo'r bo'lib kuylash kabi faoliyat turlarini amalga oshirish mumkin.

4—6-sinflarda ham ovoz sozlash va qo'shiq o'rganish jarayonlari quyidagilarga kabi bo'lib, ovoz diapazonini sekunda va tersiya intervaligacha ko'tarish mumkin. Bu yoshdagi o'quvchilarning musiqiy tarbiyasida jamoa bo'lib kuylash va tinglash bilan birga, musiqaga mos raqs elementlarini bajarish boladagi jismoniy sezgirlikni, musiqiy xarakterni to'g'ri anglash va

unga munosabat bildirish ko'nikmalarini rivojlantiradi.

7-sinf o'quvchilarining musiqiy va estetik didi bir muncha shakllangan bo'ladi. Shuning uchun bu yoshdagi o'quvchilarga zamonaviy musika va jahon musika madaniyatining ko'zga ko'ringan sozanda va xonandalarining ijrosini eshitirish lozim. O'smir yoshga mo'ljallangan barcha turdagi ovoz sozlash mashqlari ham shunga xos tanlanadi. Ushbu ovoz sozlash mashqlari o'shiqlardan olingan lavhalar ko'rinishida bo'lishi hamda notalarning nomlari bilan berilishi mumkin. Bunda mashqlar quyi sinflarga qaraganda ritmik va ohang jihatdan murakkabroq bo'lishi maqsadga muvofiq. Bu yoshdagi o'quvchilarning ijro repertuariga alohida e'tibor berish talab etiladi. Chunki ularning ijro mahorati darajasi ancha o'sgan, ko'nikma va malakalari shakllangan bo'ladi.

7-sinf o'quvchilari bilan tinglash faoliyatini amalga oshirish jarayonida musiqani anglashga, uni idrok etishga, cholg'ularni bir-biridan farqlashga, musiqiy janrlarni ajratish hamda diqqatni jamlashga o'rgatish tavsiya etiladi.

Musika madaniyati darslarida kompyuterining sibelius programmasidan foydalangan holda musika savodi, musika tinglash kabi faoliyat turlarini amalga oshirish mumkin. O'quvchilar mazkur programma orqali nota yozuvini o'zlashtirishda muammoga duch kelmaydi. Musika madaniyati darslarida mavzuga oid slaydlar, texnologik xaritalar, multimedia darslar, ko'rgazmalar, tarqatma materiallar, mavzuga oid animatsion tasvirlar hamda tinglash uchun operalarning audio va video variantlaridan foydalanish maqsadga muvofiq.

Musika madaniyati darslarida internet tarmog'idan foydalanish o'quvchilarda qiziqishni oshirib, ularning dunyoqarashini shakllanishiga yordam beradi. Internet tarmog'idan foydalanishda quyidagilar tavsiya etiladi:

1. Internet tarmog'idan foydalangan holda musika tinglash uchun sinf fonotekasini tashkil etish.

2. Enkor, sibelius (notalarni terish, notali matnlarni ijrosi) dasturlaridan foydalanib darslarni tashkil etish.

3. Musika madaniyati faniga oid yangiliklarni izlab topish va amaliyotga joriy etish.

4. Ta'lim saytlaridan foydalangan holda kerakli manba va ma'lumotlarni o'quvchilarga o'rgatish.

5. Internet tarmog'idan foydalangan holda fanga oid turli tadbirlar, konferensiyalar va videoreklamlarni masofaviy ta'lim asosida amalga oshirish.

Bugungi kunda Internetning turli saytlaridan musika madaniyati fani bo'yicha kerakli ma'lumotlarni topish mumkin. Quyida shunday saytlardan ayrimlari sanab o'tilgan bo'lib, musika madaniyati darslarini tashkil etishda tayyorgarlik ko'rish uchun ushbu saytdagi ma'lumotlar va metodik qo'llanmalardan foydalanish tavsiya etiladi:

- <http://www.uzedu.uz>
- <http://www.rtm.uz> (dars ishlanmalar, nota variantlari)
- <http://pedagog.uz>
- <http://www.ziynet.uz> (dars ishlanmalar, nota variantlari)
- <http://www.google.uz> ("Motsart", "kreshendo" va h.k. topish mumkin)
- <http://www.marifat.uz>
- mp3.retroportal.ru
- www.muziko.ru

TASVIRIY SAN'AT

Tasviriy san'at darslarida o'quvchilar borliqini va san'atni estetik idrok qilish yo'llarini o'zlashtiradi. Bu fan orqali o'quvchilarning fikrlash qobiliyati, ko'rish xotirasi, ijodiy tafakkuri, badiiy didi, estetik hissiyotlari rivojlanib boradi.

Tasviriy san'atdagi ta'limiy va tarbiyaviy jarayon o'quvchilarda rasm chizish, me'morchilik ko'nikmalarini shakllantirish bilan birgalikda atrof-muhitdagi go'zalliklarni estetik idrok etish, uni tasviriy vositalar asosida aks ettirish bo'yicha ham nazariy bilim va malakalarni rivojlantiradi. Shuni aytib o'tish lozimki, bu maqsadlarga to'laqonli erishishda o'qituvchining darsga yondashuvi va mahorati muhim o'rin egallaydi. Chunki tasviriy faoliyat jarayonida shakllanadigan bilim, malaka va ko'nikmalar asosan dars davomida amalga oshiriladi.

"Borliqni idrok etish", "San'atni idrok etish", "Naturaga qarab tasvirlash" va "Kompozitsion faoliyat" yo'nalishlari bo'yicha mavzu mazmunini yoritib berish maqsadida o'qituvchilar tasviriy san'at darslarini ko'proq amaliy jihatdan tabiat qo'nyida o'tkazishlari, muzeylarga sayohat uyushtirishlari

tavsiya etiladi. Bunda o'quvchilarning ona tabiatga, jonajon o'lkaga mehruhubbati oshadi, milliy qadriyatlarimizni, me'moriy yodgorlik va san'at durdonalarimizni asrab-avaylash hamda qadrlashni o'rganadilar.

Dars jarayonida qo'llaniladigan interfaol metod va texnologiyalarni tanlashda fanning xususiyatini hisobga olish maqsadga muvofiq. O'qitish jarayonining samarali va natijali bo'lishini ta'minlashga yo'naltirilgan interfaol uslublar va o'qitish texnologiyalari hozirgi kunda respublikamizning barcha umumiy o'rta ta'lim maktablarida keng miqyosda qo'llanilib, ijobiy natijalar olinmoqda.

Xususan, o'tilgan mavzuni mustahkamlash qismida "Zinamaza-zina", "FSMU", "Tushunchalar tahlili", yangi mavzuni tushuntirishda "Charxpalak", "Tarmoqlash", "SAN" texnologiyasi; yangi mavzuni mustahkamlash va unga oid mustaqil ish berilganida "Rezyume", "Tashviqot guruhi", "SAN" texnologiyasi; darsni yakunlash bosqichida "Yelpig'ich" texnologiyasidan foydalanish maqsadga muvofiq.

Tasviriy san'at darslarini qiziqarli, mazmunli olib borish uchun o'qituvchi o'z ishiga ijodiy yondashish, har bir

darsda texnika vositalari, multimedia vositalari, slaydlar va ko'rgazma qurollardan o'z o'rnida foydalanishi kerak. Dars jarayonida faqatgina qo'llanmada ko'rsatilgan materiallar bilan cheklanib qolmasdan, qo'shimcha adabiyotlar, internetdan olingan ma'lumotlar va fan yangiliklari, ilg'or o'qituvchilarning ish tajribalaridan keng foydalanish tavsiya etiladi.

Jumladan, "Rangtasvir va grafikada manzara ishlash" mavzusini tushuntirishda o'qituvchi o'zbek va chet ellik rassomlarning manzara janrida ishlagan asarlarini namuna sifatida kodoskop orqali ekranda ko'rsatishi, shu mavzu asosida amaliy ishini boshlashdan oldin esa kompyuterda disk yoki fleshka orqali tabiat manzaralarini bosqichma-bosqich ishlashni tasvirlangan yozuvni namoyish qilishi mumkin.

"Sharq miniatura san'ati tarixi haqida suhbat hamda reproduksiyalarni tahlil etish" mavzusini tushuntirishda kompyuter orqali sharq miniatura maktablari va ularning ishlaridan namunalarni, Kamoliddin Behzod haqida ma'lumotlarni taqdim etishda, mahoratlari

ajdodimiz tomonidan ishlangan asarlardan namunalarni ko'rsatish lozim.

Sho'ba yig'ilishlarida bahs-munozara yuritish uchun quyidagi mavzular tavsiya etiladi:

— Tasviriy san'at fanini o'qitishda madaniy merosimiz, milliy qadriyatlarimizdan unumli foydalanish va xalq amaliy san'ati durdonalarini targ'ib qilish orqali o'quvchilarni kasbga yo'naltirish;

— O'quvchilarning ijodiy qobiliyatlarini rivojlantirishda tasviriy san'at darslari, sinfdan hamda maktabdan tashqari ishlarining uygunligini ta'minlash, yoshlarning bo'sh vaqtlarini mazmunli tashkil etish muammolari;

— "Tasviriy san'at darslarida jamoa bo'lib ishlash yo'llari" mavzusida amaliy seminar o'tkazish;

— "Naturmort ishlash jarayonidagi optik illyuziyalar" mavzusida suhbat;

— "O'rta asr san'atining usul va yo'nalishlari" (nam qo'zg'ozga kompozitsiya ishlash, 6-sinf) mavzusi o'qitilishida ko'rgazma materiallardan foydalanish tajribalari.

RESPUBLIKA TA'LIM MARKAZI



Ma'rifat 4-iyul
Metodist

«Инсоний муҳаббатнинг туб моҳияти нимада? Жамият тараққий эта боргани сари севгининг истиқболи қандай бўлади?» каби саволлар кўпинча ёшлар орасида баҳс-мунозараларга сабаб бўлади.

Дарвоқе, юракка ўт солган ишқ ошиқни тиниб-тинчимас тугёнларга гирифтор қилади. Тарихга бир назар ташлайлик, не-не золим подшоҳлар муҳаббат эгаларининг иродасини букишга уринди. Лекин муҳаббат ҳамон қуёш нуридек барҳаёт. Фарҳод Ширин, Мажнун ва Лайли каби темир иродали ошиқ-маъшуклар ҳамма вақт эл қалбиди, иззату ҳурматда. Бу кўҳна заминда муҳаббатнинг алангали ўтида куйган қанчадан-қанча инсонларни, уларнинг дилидаги ажойиб туйғуларни қозғоғча кўчирган муҳтарам қалам соҳиблари ҳам яшаб ўтди. Инсоний муҳаббат абадий мавзудир, ҳар бир замонда унинг янгидан-янги зарварақлари очилаверади. Ишқнинг таърифи ва тавсифи учун янги дostonлар, романлар, жозибатор ғазаллар, оҳанрабо куйлар, кўшиқлар... яратилалеради.

Чин инсоннинг жуфтликка бўлган майли замирида руҳий ғизо учун интилиш, маънавий бирлик, қалбдаги муҳаббат ўти ва гўзал ҳис-туйғулар, не-не олижаноб орзу-умидлар ётади.

Кимки маънавий бой инсон бўлса, муҳаббатни улғулайди. Муҳаббатсиз киши билан ҳатто мулоқот қилмаслик лозимлиги ҳақида шоир Ҳувайдо шундай дейди:

**Муҳаббатдан бўлур
муҳаббат пайдо,
Муҳаббатсиз кишидан
коч, Ҳувайдо.**

Пок муҳаббат соф қалбнинг жилосидир. Чин муҳаббат улғу ҳаётнинг энг тотли, шифобахш мевасидир. Муҳаббатнинг моҳиятини англамоқ истасанг, дилингдан кидир, чунки муҳаббатнинг макони қалбдир. Севгини тушунмоқ учун севмоқ лозим. Англаганимиз — чин инсоний муҳаббат туйғуларидан бебаҳра бўлган шахслар кўпинча ифбатсиз, латофатсиз, шафқатсиз, ҳатто ору номуссиз бўладилар. Бундайлар табиатни, ҳаётни, одамларнинг гўзалликларини ҳис этолмайдилар, умуман, эстетик дид ва фаросатдан маҳрумдирлар.

«Муҳаббат нима? Бу фазилат инсонда қай тарзда пайдо бўлади? Нега инсон тотли ва айни вақтда жуда машаққатли, лекин қалбга гўзаллик бахш этувчи бу дардга мубтало бўлади?» деган саволларни ҳар бир киши ўзига қачондир бергани аниқ. Бу савол кимларни фикр уммониға чулғаманг? Баъзилар уни инсоний ҳис-туйғу десалар, баъзилар ҳаракатнинг ўзига хос мураккаб формаси шаклида тасаввур қиладилар. Лекин бу фикрлар замирида бир умумий ҳақиқат бор: ҳар бир инсонга хос бўлган чин инсоний муҳаббат, умр савдосининг бошланишидир, у кимгадир кўр-кўрона сажда қилиш эмас ва кўнгил гулшанига кўниб ўтадиган қуш ҳам эмас. У ҳар қандай жавоҳирдан кимматли, кўёш нуридек жўшқин, тиниқ чашмадек шаффоф, барча инсоний фазилатлар мажмуасидир. Севги — энг улғу маънавий бойлик бўлиб, юракда ўти, покиза қалби бор инсонга насиб этадиган бебаҳо мўъжизадир. Севги ошиқнинг қувончини ҳам, уқубатларини ҳам ўз устига ола билишни кўзда тутди. У

содиқ дўстликни, ҳамдам-ҳамдардликни, самимий ҳурматни, ҳижрон дардини, бир-бирига интилишни, ҳаётни яна ҳам кўркемроқ ҳис қилишни талаб этади. Муҳаббат инсоннинг тириклик зийнати ва ҳаётини эҳтиёжидир.

Муҳаббатнинг тиниқ ва зилол чашмасида сугорилган, риёзат ва машаққат чекиб, тўсиқларни энгиб, севгининг оташ ўтида тобланган киши қалби асло зангламайди. Демак, севгисиз яшаш инсоний фазилатлардан бебаҳра қолишидир. Агар муҳаббат бўлмаса, инсон қалбини на ой, на қуёш ёрита олади. Муҳаббатнинг шаробини нўш этган киши марду мардоналик ва ақлу заковат касб этади. Муҳаббат Абдулла Қодирининг «Меҳробдан чаён» романида Анвар ва Раъно ўртасидаги мушоирада жуда чуқур ифодаланган:

Анвар:
— **Ҳамиша хавфда
кўнглим бу муҳаббат
интиҳосидан,**

**Менинг ҳам этмаса
мажнун дебон
Раънонинг савдоси.**

Раъно:
— **Муҳаббат жомидан
нўш айлаган аҳли
зако бўлмиш,**

**Фуруни тибда
мажнундир кишининг
қуйса сафроси.**

**УМР-ЙЎЛДОШНИ
ТАНЛАШ**

«Умр йўлдош танлашнинг ўзига хос талаблари борми? Инсон ўз ёстикдошида қандай фазилатлар ва сифатлар бўлишини истайди?» деган саволлар оилавий ҳаётнинг энг муҳим масаласи ҳисобланади.

Ҳар бир йигит-қиз оилани бўлишни истар экан, ота-боболари аъналарини ўрганиши керак. Аммо улар қавму қариндош билан

никоҳ ришталарини боғлашга қарши кескин курашмоғи лозим. Оила куришдан олдин, унинг иқболи ва истиқболи устида ўйламоқ оқиллар ишидир. Баъзилар аввал турмуш куриб, кейин пушаймон қила бошлайди. «Кейинги пушаймон ўзингга душман», дейдилар. Оила куриш бу шунчаки жуфт бўлиб яшаш эмас, балки бир умр биргаликда эзгулик сари интилишдир. Шундай экан, аввало, «Турмуш куришга тайёрманми?» деган саволга жавоб кидириб кўриш лозим. Турмуш куришнинг мақсад ва моҳиятини тушунмай, кўр-кўрона уйланган инсон кейин афсусланади. Яхши оила турмушчи бўлганлар ибратли оила соҳибларининг турмушларини кўнл билан кузатиши, улардан ўрганиши лозим. Чунки бизга ҳаёт устоз, халқ эса муаллимдир.

Улғу ёзувчимиз Ойбек таъбири билан айтганда, муҳаббат ахлоқий гўзаллик-

кўпинча кўнгилсиз яқунланишни билиш керак. Кимдир ташқи кўриниши анча чиройли бўлса ҳам, ёқимсиз хулқ-атвори билан сизни ўзидан итаради. Бундайлардан узоқроқ юринг келди. Аксинча, унчалик хушсурат бўлмаса ҳам, иффа-ти, латофати, хатти-ҳаракати билан одамни ўзига тортадиган замондошларимиз бор. Хусн ахлоқий гўзаллик билан кўркем. Ахлоқий фазилати бўлмаган хусн қалбга ҳарорат бахш этолмайди. Севган кишининг ташқи хусни ўзига хос жозибали куч, лекин умр ўтиши билан, унга путур етади, қалбнинг чиройи эса сўнмайди. Бир томон иккинчисига қараганда ортиқроқ севиши мумкин, лекин кўпроқ севилган тараф оқил инсон бўлса, ҳеч қачон худбинлик қилиб, кибру ҳавога берилиб, ўзини

сўзининг гадоси кўп. Милтиқ ўқи инсоннинг дуч келган жойига тегиши мумкин, лекин тилдан отилган ўқнинг нишони битта — инсон қалбидир. Ҳар бир инсон сўз хазинасидаги калимани қаерда ва қачон ишлатишини билиши лозим. Бу унинг ақлий заковатидан далолат беради. Айтилмоқчи бўлган гапни, аввало, фикр дошқозонида яхшилаб пишириб, сўнгра тил дастурхонига узатиш зарур.

Инсон шунчаки турмуш куриш учунгина эмас, балки бахтли яшаш учун туғилади. Оилавий бахт эса дўстлик билан эгизак. Эротик ўртасидаги муҳаббат ва дўстликни мустаҳкамлашда ўзаро ширин муомала ҳам муҳим. Беандишалик оилавий муносабатларда кўнгилсиз ҳодисаларни келтириб чиқаришига гувоҳ бўлаемиз. Айниқса, кўпол муомалали ва жаҳли тез инсон умр эғовидир.

Ширинсухан бўлсанг, ҳатто филин бир кўл билан етаклайсан, дейдилар. Ҳеч ким икки марта яшамайди, бир марта бериладиган умрнинг қадрига етиб тўри, ҳалол, иноқ ва яхши яшай билиш керак!

МУҲАББАТ — САДОҚАТ БИЛАН ГЎЗАЛ

Оила қасрини мустаҳкамловчи жуда муҳим омиллардан яна бири садоқатдир. Муҳаббат бир гулшан бўлса, боғбони — садоқат. Аҳду паймонларга содиқликни сақлаб умр кечириш нақадар ибратли. Агар чин муҳаббат пок садоқат билан безанса, олтин узукка ёқут кўз қўйгандек гўзаллик касб этади. Севги шундай бир қушқин, садоқат йўқолган жойдан дарҳол учиб кетади. Муҳаббат нуқрадек оқ ва пок бир гулдирки, унга заррача доғ тегса, дарҳол кўзга ташланади.

Бир уйни «ёмон» деб тарқ этаётган одам, аввало, янги борадиган хонадонини илгаригича билан таққолаб кўрсин. Енгил ҳаёт келчиришга одатланган киши ўз умр йўлдошига ҳам бевафо, бемехр бўлади. Кўпинча бундай ҳол турмуш кургунига қадар кўча-кўйда сангиб юрган шахсларда рўй беради. Шундай гўзал ҳаётдан ўзига муносиб умр йўлдоши танлаб олмаган инсон беҳосил ўтган дарахтга ўхшайди. Зерикиш, тушунлик, умидсизлик каби кайфиятлардан халос этадиган энг яхши шифокор ҳам оқил ва содиқ умр йўлдошидир.

Ёшликни кўркем баҳорга қийсладик. Муҳаббат — баҳорнинг ҳосили, бебаҳо меваси. Шундай экан, бу жаҳоҳирни чин маънода асраб-авайлаганларга ҳақиқий бахт эшиклари очилади.

**Миришлом БАДАЛОВ,
тадқиқотчи**

БУ ЙЎЛДА ХАТО ҚИЛМАНГ!

Чин севги қалбдан макон олади, ундан қонга ўтиб, бутун вужудга сингади. Умр ўтади, ҳаётнинг аччиқ-чуқук дамлари ҳам ўтади, лекин қалбдан ўрин олган севгининг умри узокдир. Одамзодга табиат, жамият ҳақидаги фан асосларини чуқур билиш ҳаёт учун қанчалар зарур бўлса, севиш-севишлик силрларини эгаллаш ҳам ажойиб оила куриш учун шунчалик зарурдир.

ХУСН ТҲЙДА, АҚЛ КУНДА КЕРАК

Баъзи ёшлар севгига шунчаки кўнгилхушлик деб енгил-елпи қарашса, баъзи кексалар севгини, унинг боғловчи, яратувчи, бахт-саодат келтирувчи кучини тан олмайди. Улар ёшлар севгисини афсона, ота-она райини қайтариш учун бир баҳона деб ҳисоблайдилар. Лекин шуниси қувончлики, севгини муқаддас, чинакам инсоний ҳис деб биладиган хулқи чиройли ёшларимиз жуда-жуда кўп. Баъзилар муҳаббат моҳиятини фақат инсоннинг ташқи қиёфасида, ҳуснида деб ўйлайдилар. Донио халқимиз «Хусн кўнгил хуши, ақл умр қуши» ва «Хусн тўйда, ақл кунда керак», дейди. Бу билим ташқи гўзалликни инкор қилмоқчи эмасмиз.

Инсоннинг ташқи қиёфасидаги гўзалликни нафис дид ва чуқур фаросат билан ҳис этамиз. Аммо ташқи хуснга ортиқча махлиё бўлиб, унинг ички дунёсини, маънавий гўзаллигини баҳолай билмаслигимиз мумкин. Муҳаббатнинг моҳиятига енгил-елпи қараш, хусн гўзаллиги билан маст бўлиб қолиш кайфияти

умр йўлдошидан устун тутмайди ва қўлидан келганича ҳамроҳини қўллаб-қувватлашга интилади. Хуллас, умр йўлдош танлашда хусн эмас, балки ақл-одоб излаган ютади.

...Йигит-қиз бир-бирини яхши кўргандай бўлиб турмуш куриб яшаб юрдилар. Маълум вақт ўтган, фарзанд туғилди. Аёл бола тарбияси билан шуғулланади, эр эса илмий тадқиқот билан банд. Ўз ишига шу даражада берилиб кетдики, ёш раффикасига умуман эътибор бермай қўйди. Жувон эрининг қўлёмаларини оққа кўчириш, ўз вақтида таом тайёрлашигина талаб қилишидан оғинардир. У оилавий сайр қилгиси, теат-тер, концертларга боргиси келарди. Аёл уй-рўзғори ва бола тарбияси, эрининг келажagini ўйлаб ишини ташлади. Ниҳоят, эри фан номзоди, деган унвонга муас-сир бўлди. Аста-секин мавқеи оша бошлади. Фожеа шундаки, иқтидорли олимнинг атрофида лаганбардорлар кўпайди. Мақтовлар эрининг кўзига парда ташлаб, узоқни кўра олмай-диган қилиб қўйди. Энди уйда ўтириб қолган хотин унинг кўзига қоқоқ ва хушук кўринарди. Ўртадаги ўзаро ҳурматга путур етиб, оила парокандаликка юз тутди.

Бу икки ёш ўртасида ҳеч қачон муҳаббат бўлмаган, шунчаки мойиллик туйғуси бўлгани учун бари саробга айланди.

ШИРИН ТИЛ — ЖОН ОЗИФИ

Оилада эр-хотиннинг бир-бирига муомаласи алоҳида аҳамиятга эга. Ширин

"CASE STUDY" УСУЛИДАГИ МАШҒУЛОТЛАР

Ўқувчида мустақил ишлаш кўникмасини ривожлантиради

(Давоми.
Боши 7-бетда.)

Кейс матни

Сувни тежаш, оқова сувларни тозалаш нафақат республикамиз, балки жаҳон миқёсидаги долзарб масала. Бу борада Президентимиз Ислон Каримовнинг "Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари" асарида "Эндиликда коллектор – зовур сувларини ташлаб юборишни тартибга солиш, оқова сувларни дарё ва сув омборларига оқиштириш батамом тўхатиш зарур. Ўзбекистон ва қўшни минтақалар шароитида аҳолини сифатли ичимлик суви билан таъминлаш алоҳида аҳамият касб этмоқда", дея таъкидланган. Шунингдек, Юртбошимиз 2010 йилнинг январь ойида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг Қўшма мажлисидаги маърузасида «Барчамиз бир оддий ҳақиқатни қатъий ва аниқ англаб олишимиз керак – бундан буён Ўзбекистон Экологик ҳаракати янги сифат босқичига кўтарилади... Инсонни ва мамлакат аҳолисини экологиянинг хавфли ҳамда тажовузкор ўзгаришларидан ҳимоя қилиш учун улкан имкониятларни қўлга киритади», дегани бежиз эмас.

Асосий йўналишлардан келиб чиқиб, оқова сувларни тозалашнинг самарали технологиясини яратишни ҳозирги давр тақозо этади. Кейинги бир неча ўнйилликлар давомида (1960–2000) микроскопик сув ўтлардан сув ва сув ҳавзаларини муҳофаза қилишда оқилона фойдаланиб келинмоқда. Микроскопик сувўтлар оқова сувларда ўсиб, ривожланиши жараёнида ўзларидан турли фитонцид моддалар ажратиш, сувдаги патоген микроорганизмларнинг

йўқолишига сабаб бўлади ҳамда айрим заҳарли, оғир метал тузларни йиғиб, сув таркибини тозалайди.

Сувўтлар турли йўналишдаги илмий-тадқиқот ишларини олиб боришда қўлай объект ҳисобланади. Уларнинг хужайралари ўлчовининг кичиклиги, ўсиш ва кўпайиш муддатининг жуда қисқалиги ҳамда турли технологик ўстириш шароитларига мослаштириш мумкинлиги билан кўпчилик олимларни ўзига жалб қилиб келган.

Муҳокама натижаларини тез белгилаш учун қуйидаги шаблонларни тарқатиш лозим:

Иш учун шаблон

1-муаммо: _____

2-муаммо: _____

Муаммонинг намоён бўлиши: _____

Идеал ҳолат: _____

Муаммони ҳал этиш йўллари: _____

Муҳокама натижаларида қуйидаги таянч концепт тuzилиши мумкин:

1-муаммо: дунёда ичимлик сувининг танқислиги.

2-муаммо: оқова сувларни тозалашнинг самарали технологиясини яратиш.

Муаммонинг намоён бўлиши:

а) ичимлик сувининг етишмаслиги	б) сувларнинг ифлосланиши	в) сувларни тозалаш усуллари эскирганлиги
---------------------------------	---------------------------	---

Муаммони ҳал этиш йўллари:

1. Канализация ва сув таъминоти тизимларини такомиллаштириш.
2. Сувни тозалашнинг янги усуллари ишлаб чиқиш.
3. Сувўтлар ёрдамида сувларни тозалашни йўлга қўйиш.
4. Сувни тежаш бўйича тадбирлар ташкил этиш.
5. Ичимлик сувидан унумли фойдаланиш бўйича энг илғор чет эл тажрибасидан фойдаланиш.

Гуруҳларга мустақил бажариш учун бериладиган топшириқлар:

1-топшириқ.

Оқова сувларни тозалаш усуллари Венн диаграммаси ёрдамида таққосланг.



2-топшириқ.

Оқова сувларни аънавий ва сувўтлар ёрдамида тозалаш усуллари таққосланг.

Оқова сувларни тозалаш			
Аънавий усуллар		Сувўтлар ёрдамида	
афзалликлар	камчиликлар	афзалликлар	камчиликлар

3-топшириқ.

Оқова сувларни тозалашда сувўтларининг аҳамиятига оид SWOT жадвалини тўлдиринг.

SWOT — таҳлил номланиши инглизча бош ҳарфлардан олинган:


strengths — кучли томони;
weakness — кучсиз томони;
opportunities — имкониятлари;
threats — фойдаланишдаги хавфлар, қийинчиликлар, муаммолар.

SWOT-таҳлил жадвали

S	W
O	T

Ўқув машғулотни жараёнида кейс технологиясини ташкил этиш:

Ўқув машғулотни жараёнида кейс технологиясини ташкил этиш босқичлари



Индивидуал бажариш учун мустақил уй иши:

Оқова сувларни сувўтлар ёрдамида тозалаш мавзусига оид асосланган эссе тузинг.

Асосланган эссе ёзиш қоидалари

Асосланган эссе — қўйилган саволга асосли жавоб келтирилган ёзма ишдир. Муаллиф маълум бир позицияни эгаллайди ва уни ҳимоя қилади, бунда ўзининг позициясини қўллаб-қувватлаш учун бир қанча асосланган исботларни келтиради. Мақсад — муаллиф лозим топган қарашларни бошқаларнинг ҳам қабул қилишига ишонтириш.

Асосланган эссе таркиби:

(1) Савол бўйича муаллиф нуктаи назарининг баён этилиши (1 хат боши).

(2) Баён этилган позицияни асослаш — муаллифнинг ишонарли далиллари бўйича ушбу позицияни қўллаб-қувватлаш ва қабул қилишга ишонтириши.

(3) Хулоса-резюме.

Асосланган эссени баҳолаш кўрсаткичлари ва мезонлари:

- мавзу мазмунига мос келиши;
- мазмун, фикри;
- унга тааллуқли муаммони олдиндан кўра билиш, шахсий нуктаи назари, маълумотлар етарлилиги;
- услуб: ифода аниқлиги, муайянлиги;
- орфография.

Хулоса қилиб шунини айтишимиз мумкинки, ўқувчиларнинг кейслар билан ишлаши уларда фанга бўлган қизиқишнинг оширилади, коммуникатив қобилиятни юксалтиради, муҳими, танқидий фикрлаш ва мустақил ишлаш кўникмасини ривожлантиради.

Шамсенур АБДУЛЛАЕВА,
педагогика фанлари номзоди

Инсон мияси мукамал «ускуна», унинг имкониётлари ҳали тўлиқ ўрганилмаган. Шунга қарамай, мия имкониётлари салмоғи ҳозирдаги илм-фан аҳлини ҳайратга солимоқда. Биргина мисол: компьютер дастурини ишлаб чиққан машҳур америкалик математик олим Фон Нейман инсон мияси сақлаб қолиши мумкин бўлган ахборот ҳажмини ҳисоблаб кўрди. Маълум бўлишича, бу кўрсаткич жуда катта бўлиб, 20-даражадаги 10 бит(элементар ахборот бирлиги)га тенг экан. Эътиборлиси, бундай ҳажмдаги ахборот дунёдаги энг йирик кутубхоналар мажмуида ҳам топилмайди.

Олимларнинг сўзларига кўра, миянинг сақлаб қолиш қобилияти ўзига хос танлов асосида кечади. Ахборотлар турли шаклларда берилиши мумкин, лекин инсон онгли ҳаётида дуч келадиганларини мия бирдан қабул қилмас экан. Шунга қарамай, футуролог олимлар эволю-

бўлган, дейилади «Компьюлента» манбасида.

Ноёб истиснодга эга швейцариялик математик олим Леонард Эйлер кўпчиликни рақамларни ёдда сақлаб қолиш қобилияти билан ҳайратга соларди. Хусусан, у 1дан 100гача бўлган барча сонларнинг 6-даражаси-


лотнога тушириб олиб келади.

Буюк санъат намоёндаларининг ақлий салоҳияти муъжизаларга қодир экани ҳам кўп мартаба кузатилган. Мисол учун, қулоғи эшитмай қолган Бетховен мусиқа ёзишда давом этган. 1948 йили вафот этган ҳайкалтарош Лина По кўзи кўрмай қолганида ҳам санъат асарларини яратишни қанда қилмаган. Ҳатто шу ҳолида ажойиб ҳайкалчалар ясаб, юздан ортигини кенг жамоатчиликка тақдим этди. Моцарт фақат бир мартагина эшитган катта ва мураккаб мусикий пьесани аниқ ёза олиш қобилиятига эга бўлган. Бастакор Александр Глазунов мусикий асарларнинг йўқолган партитуралари (кўп овозли мусикий асарда барча қисмлар мажмуи)ни осонлик билан тик-

га эга экани барчага маълум. Яна бир шунга ўхшаш фикр аксарият одамлар ўз ақлий қобилиятининг тахминан 10 фоизидан фойдаланиши билан боғлиқ. Бир қарашда бу тўғрига ўхшайди, чунки одамларда бирданига яширин ақлий қобилиятлари намоён бўлган


Sharh

бормоқда. Масалан, кимгадир адабиётни, бошқа бировга математикани ўзлаштириш нисбатан осонроқ, қолганлари эса ортиқча мураккабликларсиз насрда ижод қилса-да, прогрессия



ХОТИРА ФЕНОМЕНИ

ёхуд миянинг маълум хусусиятлари ҳақида номаълум фактлар



ция жараёнида инсоннинг ёдда сақлаш қобилияти янада ривожланиб, келажақда инсон хотирасида китобларнинг бутун-бутун боблари ёки минглаб рақамлар осонлик билан сақланиб қолишини башорат қилмоқда. Ҳозирча эса бундай фавкуллода хотирага эга одамлар санокли бўлгани боис улар феномен сифатида эътироф этилади.

Айтиш зарурки, феноменал хотирага эга шахслар барча тарихий даврларда кузатилган. Манбалардан маълумки, Юлий Цезарь ва Искандар Зулқарнайн барча аскарларини юзига қараб яхши таниган, исларини ҳам бехато айтган. Ваҳоланки, кўшин ўртача 30 минг аскардан ташкил топган эди. Машҳур файласуфлар Фемистокл ва Сукрот ҳам Афинадаги 20 минг аҳолининг ҳар бирини яхши таниган. Сенека эса фақат бир марта эшитганидаёқ бир-бири билан ўзаро боғланмаган 2 мингга сўзни такрорлаш қобилиятига эга

гача билган. Украиналик физик олим, академик А. Ф. Иоффе логарифмлар жадвалидан фойдаланганида фақат хотирасига таянган. Э. Гаси исми бир шахс бутун ҳаёти давомида ўқиган 2 500та китобни ёддан билган, ўйлаб ўтирмасдан исталган қисмидан парча ўқиб бера олган.

Secretworlds.ru электрон манбасида келтирилишича, маълум фактлар ёки тартибга келтирилган ахборотдан ташқари миянинг ўзига хос хусусиятларини намойиш этувчи бошқа турдаги далиллар ҳам мавжуд. Масалан, гениал гравюралар яратувчиси бўлган буюк француз рассоми Гюстав Дорега бир буюртмачи Альп тоғларининг маълум ҳудудидаги манзарани тасвирлаб, фотосуратни беради ва уни полотнога тушириб беришини сўрайди. Г. Доре тоққа кета туриб фотосуратни унутиб қолдиради, лекин эртаси куни манзарани ёддан худди ўзидагидек по-

лай олган. Таникли рус пианиночиси ва бастакори Сергей Рахманиновнинг ҳаётида содир бўлган ушбу ажойиб воқеа ҳам эътиборга молик. Бир куни рус бастакори, мусиқа ўқитувчиси Сергей Танеевнинг олдида дўсти, дирижёр ва композитор Александр Глазунов келиб, янги яратилган пьесасини чалиб бермоқчи бўлади. Ўқитиб ҳазилларни яхши кўрадиган С.Танеев кўшни хонага консерватория талабаси С.Рахманиновни яшириб қўяди. А.Глазунов янги асарини дўстига намойиш қилиб бўлгач, С.Танеев ёш талабани қақиради. Шунда С.Рахманинов А.Глазуновни ҳайратда қолдириб, роляда унинг боғи асарини тўлалигича қайта чалиб беради.

Инсон мияси... Биз у ҳақида қанчалик биламиз? Инсон мияси, ақлий салоҳияти ҳақида кенг омма ичида тарқалган гаплар қанчалик ҳақиқатга яқин?

Одамлар орасида эснаш миянинг уйғонишига ёрдам беради, миянинг ҳажми бевосита ақлий салоҳиятга боғлиқ ёки айрим озик-овқат, мева-сабзавот маҳсулотлари мия фаолиятига ижобий таъсир қилади, деган гаплар юради. Лекин олимлар бу гапларнинг ҳаммаси ҳам ҳақиқатга яқин эмаслигини исботлашди.

Инсон мияси қанчалик оғир бўлса, одам шунча ақли бўлади, деган нақлнинг нотўғрилиги, аслида, анча йиллар олдин аниқланган. Мисол учун, машҳур математик олим Альберт Кавьеининг мияси 2 килограмм бўлса, Артур Конан Дойлники атиги 800 граммга етган. Лекин уларнинг ҳар иккиси ҳам юксак ақлий салоҳият-

ҳолатлар кузатилган. Таъкидланишича, мазкур фикр америкалик файласуф, психолог Уиллям Жеймс инсонлар уларга берилган ақлий қобилият ва маънавий ресурсларнинг жуда кам қисмидан унумли фойдалангани, деган қарашни ўртага ташлаганидан сўнг юзага келган экан. Бугунга келиб эса аниқландики, ҳар бир алоҳида вазифа ёки маҳкми бажариш учун миянинг турли қисмлари фаоллашар экан. Масалан, ёзиш учун кўриш, координация, ҳис этиш, мушаклар фаоллиги ва режалаштириш каби вазифаларни бажарувчи миянинг турли қисмлари ишга тушади.

Мия хужайралари мунтазам равишда «кексайиб», нобуд бўлади, лекин улар қайта тикланмайди, деган қараш ҳам нотўғри. Бундай асоссиз фикрнинг пайдо бўлиши мияда кечадиган маълум жараёнлар билан боғлиқ бўлса керак. Шу боис кўпчилик бош мия хужайралари нобуд бўлгач, қайта тикланмайди, деб ўйлайди. Аслида эса, мия нобуд бўлган хужайраларнинг ўрнига янгиларини тиклаш хусусиятига эга экан. Европа тадқиқотлар маркази илмий ходимларининг таъкидлашича, ҳаттоки бош миянинг катта қисми зарарланганда ҳам инсоннинг мазкур органи аксарият ҳолларда нобуд бўлган ёки зарарланган хужайраларни қайта тиклаш кузатилган.

Баъзи одамларнинг таъкидлашича, кимнингдир мияси «техник», бошқаларники эса «лирик» бўлиши мумкин экан. Бунда гап инсоннинг аниқ ёки гуманитар фанларга мойиллиги ҳақида

ёки интеграл нималигини тушунишга қийналади. Лекин бу ривожланиш ва тақомиллашув инсоннинг танлаган йўналишига боғлиқ, дейишмоқда мутахассислар. Ахир, ал-Форобий, Абу Али ибн Сино, Леонардо да Винчи, Михаил Ломоносов, Дмитрий Менделеев каби билимнинг ҳар хил соҳаларида ўз қобилиятини намойиш эта олган буюк шахслар кўп-ку!

Аксарият одамлар инсон кексайгани сари хотираси ҳам пасайиб боради, демаски, мияси нисбатан сустроқ ишлай бошлайди, деган фикрда. Ҳақиқатан ҳам, кексаларда фикрлаш жараёни секинлашиб, хотира сусайиши кузатилади. Кўпчилик кексалар 5 дақиқа олдин кўзойнагини қаерга қўйганини эслай олмаса-да, ёшлигидаги воқеа-ҳодисаларни майда деталларигача сўзлаб бериши мумкин. Лекин ҳаммада ҳам бундай ҳолат кузатилавермайди. Баъзи одамлар жуда кексайганида ҳам тиниқ фикрлаш қобилиятини сақлаб қолади.

Тадқиқотчиларнинг сўзларига кўра, инсоннинг кексаликдаги фикрлаш қобилиятига ёшликдаги ҳаёт тарзи катта таъсир ўтказиши. Айни пайтда кучли руҳий зарба ёки изтироб пайтида, чиндан ҳам, ақлий салоҳият пасайиши мумкинлиги бор гап. Лекин бу кўпинча индивидуал ҳолатдир. Кексаликда фикр тиниклигини сақлаш учун эса овқатланиш, ишлаш ва дам олиш тартибига амал қилиш зарур. Дарвоқе, бунинг учун балиқ маҳсулотлари, сабзавот ва меваларни кўп истеъмол қилиш тавсия этилади. Фикрлашда мия тиниклигини сақлашга интеллектуал машқларни бажариш ҳам кўмак беради. Мухими, мия ишсиз қолмаслиги даркор, ана шундагина унинг «соғлиғи» ҳам жойида бўлади.

Наргиза ИБРОҲИМОВА
тайёрлади.

ТОПИЛМА
ОЛИМЛАРНИ
ЙЎЛАНТИРМОҚДА

Онтарио (Канада) Қироллик музейи илмий ходими Роберт Мейсон одамлар томонидан яратилгандек тасаввур уйғотадиган, тошлардан бунёд этилган Суриядаги сирли айланалар ва ландшафтининг ўзига хослигини аниқлашга муваффақ бўлди. «Дискавери Нъюс» («Discovery News»)да хабар берилишича, антиқа тошлар Дамашқ шаҳридан тахминан 80 километр шимолда жойлашган.



Олимнинг сўзларига кўра, топилмалар мегалитлар каби улкан ҳажмга эга бўлмаса-да, мақсадли равишда текисланган ва ажойиб шаклга эга. Археолог илк мартаба уларни 2009 йили Дейр-Мар-Муса ибодатхонаси ёнида кўрган экан. Дастлабки таҳлилларга кўра, ҳудуддаги мазкур тош топилмалари неолит ва илк бронза — тахминан 6—10 минг йил олдинги даврга тегишли.

Роберт Мейсоннинг таъкидлашича, тошлар манзара фонидан ажралиб турадиган тарзда жойлаштирилган. Аини пайтда яқин атрофда ибтидоий одамларнинг яшагани билан боғлиқ бирор бир далилнинг йўқлиги олимнинг эътиборини тортган, негаки неолит даврида одамлар ўзлари яшаётган ҳудудда оламдан ўтганларни шу тарика дафн этишган. Илгари сурилатган тахминларга кўра, археолог нисбатан кейинги — Европа неолити даври одамлари яшган ернинг ҳамоналарида бирини тоғланлиги эҳтимолдан холи эмас. Ҳозирча эса ҳудудда ягона бино — IV аср охири V аср бошида қурилиб, XI—XII асрларга тегишли уйма нақшлари билан безатилган ибодатхона аниқланган.

ГЕНЛАР ЭВОЛЮЦИЯ
ҲАҚИДА «СЎЗЛАЙДИ»

Халқаро генетик олимлар гуруҳи дельфинлар ДНКсидаги ўзига хосликини ўрганиб, жонзотларнинг миясини катталаштирувчи генларни аниқлашга муваффақ бўлди. Мавзуга оид мақола «Сайнс Нау» («ScienceNow») манбасида берилди.

Генетиклар дельфин генларини кодловчи ўн минглаб оқсиллар ДНК кетма-кетлигини бошқа сүтэмизувчиларники билан солиштиришган. Шундан сўнг алоҳида генлар ва геном (генлар тўплами) эволюцияси босқичларини белгилашган. Бу, ўз навбатида, қайси генлар организмнинг янги хусусиятларга эга бўлишига туртки берганини, қайсилари эса тасодифий мутацияга олиб келганини аниқлашга имкон яратди.

Таъриба якунида дельфинларнинг шаклланишида катта роль ўйнаган 228та ген қайд этилди. Уларнинг 27таси марказий асаб тизими билан боғлиқ экан. Шунингдек, уйку, ёдда сақлаб қолиш, фикрлашни шакллантириш, ўпка ва юрак-қон томири тизимининг ривожланишида муҳим аҳамият касб этадиган генлар ҳам аниқланди. Олимларнинг фикрича, бундай генлар кетма-кетлигидаги ўзгаришлар бир пайтнинг ўзиде мианинг катталашishi ва сув остида узоқ мuddat nafas olish qobiliyati rivojlanishiga turtki bo'lgan.

Маълумот ўрнида айтиш зарурки, дельфин ва китлар бир оилга мансуб бўлиб, тахминан 50 минг йил илгари сувда

«ТОРМОЗ — ГАЗ — ТОРМОЗ»
ОПЕРАЦИЯСИГА БАРҲАМ
БЕРИЛАДИ

«Форд Мотор» компанияси йўллардаги тирбандликнинг олдини олишга қаратилган махсус автопилот дастури лойиҳасини ишлаб чиқишни бошлади. Янги технология 2015—2020 йилларда кенг жорий этилиши кутилмоқда. «Нью Сайентист» («NewScientist») манбаси бу ҳақида маълум қилади.


Таъкидлашишича, йўлларни кузатувчи сенсорлар ёрдамида ишлайдиган мазкур тизим ҳайдовчининг ишига тезлик соатида 30 километрге етмагунга қадар аралашмайди. Тирбандлик юзага келганда рулни бошқариш автоматик тарзда тизим зиммасига ўтади, ҳайдовчи эса оддий кузатувчи вазифасини ўтайди. Тирбандликдан чиққач, тизим ёқимли товушда ҳайдовчига бошқарувни ўз қўлига олишини айтади. Дастурда видеокамера, радар, ултра товушли сенсорлар яхлит тизимни ташкил этади. Ишлаб чиқарувчиларнинг сўзларига кўра, янги технология ёрдамида катта шаҳарларда начадан бери кузатилаётган муаммо — тирбандлик пайтида ҳайдовчининг «тормоз — газ — тормоз» операцияларини бажариб, ортиқча асабийлашишига барҳам беради.

ТАРМОҚДА НАЗОРАТСИЗ
БОЛАЛАР

Океанортидаги «МакЭйфи» («McAfee») компанияси томонидан ижтимоий сўров ўтказилиб, АҚШдаги 13—17 ёшли интернет фойдаланувчиларининг қизиқиши, одатлари ва ўзини тутиш каби хусусиятлари ўрганилди. Тадқиқот натижалари «Бизнес вайер» («BusinessWire») манбасида эълон қилинди.

Маълум бўлишича, тармоқда ишлайтган 70 фоиз бола у ёки бу йўл билан ота-она назоратидан қочишга интилади. Хусусан, вояга етмаганларнинг тахминан ярми (53 фоизи) браузер хотирасида сақлаиб қолган маълумотни ота-онаси кўриб қолмаслиги учун ўчириб ташлайди. Ўсимирларнинг учдан бир қисми эса тезкор мулоқот дастурларидаги ёзишмаларини йўқотиш билан овора. 23 фоиз фойдаланувчилар ўз қизиқишлари тўғрисида рост гапирмайди, 46 фоизи эса катталар экран ёнига яқинлашганда маълумотлар ойнасини ёпиб қўяди. Қолаверса, 15 фоиз ўсимир ижтимоий тармоқдаги беғоналар веб-саҳифасига, 8,7 фоиз электрон манзилига кириб кўришга уринар экан. Шунингдек, сўровда америкалик ўсимирлар кунига ўртача 5 соат, уларнинг 10 фоизи эса 10 соатдан ортиқ вақтини интернетда ўтказиши маълум бўлди. Аини пайтда 90 фоиз ўсимир ҳамон ижтимоий тармоқларга муккасидан кетган (тармоқларнинг ичида энг машҳури «Фейсбук» бўлиб қолмоқда). Бу ҳолат тадқиқотчиларни хавотирга солмоқда.

Наргиза РУСТАМБЕКОВА тайёрлади.



ЁШ ТАРЖИМОНЛАР МАКТАБИ

Таржима халқлар ўртасидаги маданий алоқаларни, дўстлик муносабатларини мустаҳкамлашга хизмат қилади. Таржима асарлари билан танишиш орқали китобхон шу халқнинг урф-одатлари, маънавияти билан ошно бўлади.

Қарши давлат университетида Ўзбекистон Ёзувчилари уюшмаси билан ҳамкорликда «Ёш таржимонлар мактаби» фаолияти йўлга қўйилди. Шу муносабат билан бўлиб ўтган илмий-амалий анжуманда Ўзбекистон Ёзувчилари уюшмаси вакиллари, таржимонлар, университет олимлари ва талабалар иштирок этди. Анжумани университет ректори, профессор М.Нормуродов очиб, «Ёш таржимонлар мактаби» фаолиятига муваффақият тилади ва энг сўнгги русумдаги компьютер жамланмасини топширди. Ўзбекистон

Ёзувчилари уюшмаси вакили А.Алимов уюшма қошида ташкил этилган «Ижод» фонди таржимашунослик ишларига ҳам алоҳида эътибор қаратаётгани, ёш таржимонларга яратилётган шарт-шароитлар ҳақида таъкидлаб ўтди.

«Ёш таржимонлар мактаби» фаолиятини асосан тўртта босқичда амалга ошириш кўзда тутилмоқда. Энг аввало, ёш таржимонларга таржима учун танланган асарнинг мазмун-моҳиятини тереан наглаб етиши учун адабиётшунослик назарияси бўйича сабоқ берилади. Иккинчи босқичда таржима қилинган асар олий таълим муассасаси мутахассислари томонидан муҳокама қилинади. Навбатдаги босқичда Ўзбекистон Ёзувчилари уюшмаси «Бадий таржима ва халқаро алоқалар бўлими» мутахассислари томонидан кўриб чиқила-

ди. Сўнгги босқичда таржима қилинган асарни хориж китобхони нигоҳи билан баҳолаш мақсадида хорижлик мутахассис ва таржимон ўртасида ижодий мулоқот уюштирилади. Хорижлик таржимонлар билан ҳамкорлик қилиш асарнинг сайқал топишини таъминлайди. Бунга амалга ошириш учун эса «Ёш таржимонлар мактаби» аъзолари, албатта, «Ижод» фонди кўмагига эҳтиёж сезади.

Савол-жавоб ва мунозараларга бой тадбир сўнгидеги бадий қисм меҳмонларда яхши таассурот қолдирди. Ёш таржимонлар инглиз, немис, француз, рус ва ўзбек тилларидаги таржималарини маҳорат билан ўқиб бердилар.

Гулноза ОДИЛОВА,
«Ёш таржимонлар мактаби»
раҳбар, филология фанлари
номзоди

JUMLADA JAHON
yangiliklar o'zbarabid

Ҳиндистоннинг шарқий қисмида жойлашган Ассам штатида сўнгги тўрт кундан буён кузатилаётган муссон ёмғирлари оқибатида юзага келган сув тошқинлари зарарини қоплаш учун мамлакат ҳукумати 5 миллиард рупий (90 миллион доллар) миқдорида маблағ ажратишини маълум қилди.

Германияда туғилиш даражасининг кескин пасайиб кетгани ҳақида маълум қилган федерал статистика агентлигининг маълумотларига кўра, 2011 йили мамлакатда 663 минг нафар бола дунёга келган ва бу 2010 йилдаги кўрсаткичга нисбатан 2,2 фоизга ёки 15 минг нафарга кам.

АҚШ шарқидаги тўфон қурбонлари сони 22 кишига етгани ҳақида хабар берган AP агентлигининг маълумотида электр узатиш тармоқларидаги но-созликлар сабабли, аини пайтда 1,8 миллион киши электр қувватисиз қолганлиги келтириб ўтилган.

Норвегиянинг «Statoll» ҳамда Франциянинг «Total» нефть ва газ ишлаб чиқариш компаниялари Шимолий денгизда нефть эквивалентининг 70—200 миллион баррели (11—32 куб метр)га тенг ҳажмдаги табиий газ захиралари борлигини аниқлади.

«The Banker magazine» наشري тузган жаҳон банклари даромадларини ҳисоб-китоби йиллик рейтингига дастлабки уч ўринни Хитой молия муассасалари эгаллади ҳамда дунёдаги энг сердаромад банклар деб топилди.

АҚШ қуролли кучлари шимолий бошқармаси сайтида келтирилган хабарга кўра, мамлакатдаги ёнгинларни ўчириш вақтида С-130 самолётининг ҳалокатга учраши оқибатида еттига шу русумдаги самолётлар ҳам ўз фаолиятини тўхтатган.

2009 йилда Қашқадарё вилояти Яқкабғоғ туманидаги 5-сонли ўрта мактаб томонидан Дилобар Абдуганиева номига берилган O'R-SH № 0975910 рақамли шаходатнома (аттестат) йўқолганлиги сабабли

БЕКОР ҚИЛИНАДИ

(Давоми.
Боши ўтган сонда.)**МАНМАНЛИККА
МУНОСИБ ЖАВОБ**

Бу қишлоқда қариндош-уруғлар борди-келдиси кўп, жуда иноқ яшайдилар, қараб туриб ҳавасингиз келади. Қишлоққа келган учинчи куним ҳозирча қабила бошлиғи — "тоға" уйида бўлаётган Янги йил байрами кечасига таклиф қилишди.

Уйи замонавий, кенг ҳовлига йиғилган 100 чоғли одамнинг бари қариндош-уруғлар. У сўнгги пайтлари Шимолий Корея ҳукумати таклифи билан Кореяга бир неча марта борган Танзания ҳукуматининг муҳим кишиларидан экан.

Бугунги кечада, олдин

Ханбия**Asliyatdan tarjima**

бирга бозорга, қариндошлариникига етаклаб бориб, "Кореядан келган қизим", деб таништирган африкалик онам. Эрталаблари "Яхши ётиб турдингизми", деб кучоқлаб олиб ҳеч қўйвормайдиган, завқланганидан лаблари ёйилиб "хир-хир" товуш чиқариб, қизларига мактанадиган, мени яхши кўрган Мамба қишлоғилик она бу. Ўн битта болани туғиб катта қилиб, профессионал бўлиб кетган, миллатимиз бошқа-бошқа бўлса ҳам, менга онанинг илиқ тафтини, меҳр-муҳаббатини берди у.

Равонда журналга мақола ёзиб ўтирсам, ўз қўллари билан ҳовли атрофида очилган гулларни териб, бир кучоқ қилиб стол устига қўйиб кетди. Гул иси келиб турса чиройли нарсалар ёзади, деб ўйлаган.

Камбағал бўлса-да, юзида табассумини йўқотмаган, шод-хуррам яшаётган одам

ДУНЁНИ УЧ ЯРИМ МАРТА ЯЁВ КЕЗГАНДА...

«Шамол қизи» саёҳатномасидан

Танзания ташқи ишлар вазирлиги бўлган, ҳозир шу район депутаты Инса ҳам қатнашаётган эди, аммо унинг одамларни менсимасдан, гердайиши атрофдагиларни бироз ранжитди. У менга ҳам шундай муносабат кўрсатаётгани кулгили туюлди...

Қулиб шуни ўйлаб тургандим қабила бошлиғи мени чақириб, Жанубий Кореялик меҳмон дея унга таништирди. У шундай гап бошлади:

— "Газетадан келган муҳбирмисиз?"

— "Йўқ, шунчаки саёҳатчи".

— "Ҳа, шундай денг. Мен ҳақимда нималар билишни хоҳлайсиз?"

Журналистмасман, десам ҳам, ҳаволанганча сўрашни қаранг! Унинг андишасизлиги мени ажаблантирди.

— Мени сиз қизиқтирмайсиз, сиз ҳақингизда ҳеч нарса билишни ҳам хоҳламайман. Мен сизга эмас, бу кечага таклифнома ололмагани учун қиролмай ташқарида турган одамларга кўпроқ қизиқаман.

Уй эгаси одамларни обрўсига қараб қаҳирганига маълум. Зимдан қаралганда сезилмаса-да, бир оғизгина гапирди дили хуфтон бўлгани юз ифодасидан билинарди...

Ҳар куни кўрса ҳам ўлган кишиши қайтиб келган каби суюниб, менинг қимлигини ҳам билмай "меҳмон" деб атаган самимий қишлоқ одамлари билан бирга яшаб, яқинлашиб кетганим-

данми, бу "вазир" одамнинг баланд мавқеи, обрў-этиборига қарамай, инсонийлик фазилатларидан маҳрумлиги учун ундан кўра оддий бўлса-да, самимий, тоза қалбли инсонларни афзал кўраман, деган фикрга келдим.

**«ЭЙ, МАМБА
ҚИШЛОҒИ,
КЕТГИМ КЕЛМАС
БАҒРИНГДАН
СПРА...»**

Кун давомида энг зўр пайт — тушдан кейин, равонда ўтириб олиб ўтган-кетган қишлоқ одамлари билан салом-алик қилиб, узоклардан кўриниб турган Килиманжаро манзараси ва фусункор оқшом осмонидagi шафқатни кузатиш вақти. Аммо зумда кўздан ғойиб бўлиши ёмон. Гўзаллик ҳамиша шундай сонияларгина давом этармикан?

Бу пайт ёнимдан ўтаётган одамлар, бошини қимирлатиб, ёқимли жилмайиб "Шикаму!" (Яхши дам олинг!) дейишади.

Кетиб бораётган одамлар овозини баландлатиб салом беришса, болалар, эртамикемчи, мени кўрсалар бўлди, "Good morning!" деб хиринг-хиринг қилишади. Қайсидир кун қишлоқни айлалайди юрсам нотаниш қишлоқ болаларининг ўнчаси йиғилиб олиб орқамдан изма-из кузатишарди. Қайси мамлакатга борманг, болалари бир хил: қаҳрамон бўлишга интилади; содда, қизиқувчан ва ростгўй.

Қуёш ботар-ботмай қизлар жинчирик кўтариб сизир соғишга кетишди. Мен сизир соғишни билмаганимдан жинчирик ушлаб турувчи бўламан. Бу ер одамлари қиз боланинг сизир соғишни билмаслигига ўла қолса ишонишмайди.

Сут соғилди, энди кечки овқатга тайёргарлик кўришарди. Ўтин тутаб, тутунидан кўзлар ёшланиб, лаблар ниҳоясиз қўйилиб келаётган кўз ёш каби ёйилиб, қимларгадир кулгу ҳада этиб шодландиган қизларнинг вақти бу. Бу пайт уларга қўйин меҳнат эмас, қувноқ ўйин вақти каби туюлади. Буруқсиётган тутун ичидан нафас олиб оиласи учун кечки овқат ҳозирлаш иши хурсандчилик бўлган оналаримизнинг ўтмиши ёдимга тушиб кетди. Тутун чиқаётган бу қишлоқ ошхонасида бизнинг ўша эсдан чиққан она юртимиз хотиралари яшаётгандек.

Бу қишлоқ аёллари қулса, шунчаки табассум қилмайдилар, қафтини "чак" этиб бошқасининг қафтига урганча юракдан куладилар. Тутундан кўзларим ёшланиб, йўталиб, нима ҳақда гаплашсалар ҳам Нанага таржима қилдириб, қафтимни қафтига урганча қулиб, кўнглим истаганидек, ҳар кеча вақтимни шундай, жуда қизиқ ўтказаман.

Тушлик тайёр бўлди, ошхонадан чиқиб ташқарида ёлғиз овқатланиб орқасидан бир пиёла муздек сут ичиб, озгина эртароқ ўрнимга ётдим. Бу ерда тез-тез чироқ ўчади, ток келган кун-



дан келмаган кунлар кўпроқ. Шундай кунлар тимқора осмондаги тизим-тизим олдизларни ҳовлида бўйним оғриб қолгунча томоша қилиб ўтираман.

Бу уй онахони менга кунига турли-туман овқатлардан тайёрлаб бериб, "Ётоғингиз нуқулай эмасми", деб ҳар куни сўрайди. Бир куни кийимларимни юваётгандим, кичкина қизини чақириб, таёқ ўқталганча роса танbeh берди, "Мehmonga иш буюрдинг", деб.

Овқатни еб бўлиб, идишларини ошхонага олиб бориб, шу ерликлар тилида "Жуда мазали чиқибди, катта раҳмат", дейман. Кечки овқат жуда кечикиб тайёр бўлади, ҳаммасини ея олмай қолдирсам, "Нима, мазали чиқмабдими", деб ташвишланиладилар.

Бир сафар нонушта пайти қутилмаганда қизлар хафа, ғам-ғусса босган, яна нима бўлди экан десам, менга нонуштага туҳум туғаб, олиб келиш эсларидан чиққан, шунга гап эшитаётган эканлар. Хижолат бўлиб, Рож онага:

— "Мен туҳум емасам ҳам бўлаверарди", — дегандим,

— "Чет элликлар нонуштага, албатта, туҳум ейиши керак эмасми?", — деб кўзларини катта-катта очганча қараб қолди, мен билан гаплашолмаса ҳам ҳар куни

лар, бегона бир юрт одами, бир саёҳатчиға меҳр кўрсатган Мамба қишлоғи одамлари, энг асосийси, Рож она. Мен уларнинг самимий, содда қалбини ҳеч қачон унутмайман.

Мамба қишлоғидан жўнашимдан бир кун олдин туш пайтида кучли жалага ўхшаш ёмғир қуя бошлади. Ёмғир ёғиб ўтгач, ҳарорат тушиб (ҳаво совуб) хиёл шамол эсиб, ўз-ўзидан Корея ҳаёлимга келди. Кўргим келлаётган оилам, меҳрибон дўстларим, соғинган одамларимни эсладим. Уларга ҳатто бирон хабар ҳам беролмадим, қанчалар хавотирга қўйдим-а, уларни?

Аммо, яна бир кўнглимни хуфтон қилган нарса — Мамба қишлоғидан кетаялман. Бир ҳафтадаёқ боғланиб қолдим, ўзи доим шунақа. Қайси қитъа, қайси қишлоққа бормай, бир неча кунда ўрганиб қолиб, қадамим оғирлашиб, кетгим келмайди.

Хайрлашаётган пайт ҳар доим яна келаман дейман-у, аммо ростдан ҳам яна бу ерларга қайтишим қийинлигини сезиб тураман. Дунёни айланиб юрган саёҳатчининг бирдан-бир армони бу.

(Давоми бор.)

Корейс тилидан РАХШОНА таржимаси.

ЁШЛАРНИНГ «ОРЗУ»СИ

Шундоқкина йўл ёқасида жойлашган, шаҳар марказининг кўрқига кўрк бўлиб кўшилган бинолардан бири — «Орзу» болалар спорт мажмуи ҳар доим кўнглик ёшлар билан гавжум. 2007 йили курилиб, фойдаланишга топширилган масканда улар мини футбол, гандбол, бадий ва спорт гимнастикаси каби кўплаб спорт турлари билан шугулланиш имкониятига эга.



Барча зарур жиҳозларга эга катта ва кичик иккита спорт зали, футбол, баскетбол, волейбол, мини футбол майдончалари, югуриш йўлаклари, кийиниш, ювиниш ва тиббиёт хоналари улар хизматида. Айни чоғда 200 нафар шугулланувчиларнинг деярли тенг ярмини кизлар ташкил этаётгани қувонарли.

— «Орзу» спорт мажмуаси умидларимизни янада ўқсаттиради, — дейди 6-Олимпия захиралари болалар ва ўсмирлар спорт мактаби директори Фуқрат Хайруллаев. — Мажмуанинг спорт мактабимиз тасаруфига берилиши ўқувчилар қамровини кўпайтириш, қобилиятли спортчиларни саралаш ва уларнинг иқтидорини юзага чиқаришда муҳим ўрин эгалламоқда.

Бу ерда деярли ҳар

куни шаҳардаги мактаб, академик лицей, касбхунар коллежлари ўртасида мусобақалар ташкил этилади.

— Тадбирларимизга шаҳар ҳокимлиги хотин-қизлар кўмитаси, «Камолот» ЁИХ, бадий гимнастика федерацияси, таълим, фан ва маданият ходимлари касба уюшмалари, маҳаллалар ҳомийлик қилиб келмоқда. Айниқса, «Когонё» корхонаси бир неча йилдан бери тарбияланувчиларимизнинг вилоят, республика мусобақаларида иштирок этишини моддий томондан таъминлаб келаяпти, — дейди маънавий-маърифий ишлар бўйича директор ўринбосари Наргиза Хамдамова. — Яқинда ёш гимнастикачилар орасида «XXI аср ёшлари: баркамоллик сари» деб номланган шаҳар мусобақасини ўтказдик. Ўзбе-

кистон футболининг 100 йиллигига бағишлаб мини футбол бўйича 1999-2000 йилларда тузилган ўсмирлар ўртасида уюштирилган республика турнири ҳам шу ерда бўлиб ўтди. «Мустақам оила йили»га бағишлаб уюштирилган «Отам, онам, мен», «Ким эпчилу, ким чаққон», «Энг намунали оила» каби оилавий спорт мусобақаларида мураббийларнинг ўзлари биринчилардан бўлиб ибрат кўрсатишмоқда. Мини футбол гуруҳи мураббийси Темура Асқоров ва кураш мураббийси Шоҳимардон Хайруллаев оиласи ҳамisha тадбирларимизда муваффақият билан иштирок этади.

— Сўз муваффақиятлар ҳақида борар экан, бокс гуруҳи тарбияланувчиси, спорт устаси, кўплаб халқаро турнирлар ғолиби Шаҳоб Зоировнинг ютуқларини алоҳида таъкидлаш зарур, — дейди чемпионат устози Истам Кабинов. — У жуда иқтидорли спортчи Шаҳоб ўтган йили Осиё чемпионати, жаҳон чемпионати мусобақаларида қумуш медалларни кўлга киритди.

Мактабдаги ҳар бир мураббий фаолияти устидан доимий монито-

ринг олиб борилади. Бунда уларнинг машғулот жараёни, мусобақалардаги иштироки, жамоат ишларидаги фаолиги, тажриба ва маҳорати қайд этилади. Ҳар ой мактаб раҳбарияти томонидан етти-саккиз нафар мураббийнинг машғулот таҳлил этилади ва улар шўба йиғилишларида муҳокама қилинади. Бу ёш мураббийлар учун ниҳоятда муҳим. Қолаверса, очик дарслар, ўқув семинарлари ҳам тез-тез ташкил этиб турилиши мураббийларнинг маҳорат ва тажрибасини оширишда ҳам амалий, ҳам назарий кўмак бўлмоқда.


— Спорт мураббийи фақат жисмоний билимлар билан чекланиб қолмаслиги керак, — дейди мактаб директори Ф. Хайруллаев. — Қачонки у маънавий билим ва руҳий тетиқликини жисмоний куч билан уйғунлаштира олса, ҳақиқий мураббий ҳисобланади. Шундагина шогирдлари олдига ҳурмат қозонади, уларни ютуқлар сари бошлайди. Биз мураббийларнинг ана шу жиҳатларига ҳам алоҳида эътибор қаратамиз.

Сора ТОШЕВА,
«Ma'rifat» мухбири



МЕДАЛЛАР ТАУЭРДА САҚЛАНДИ

Ёш Олимпиада ҳамда Паралимпия ўйинлари ғолиб ва совриндорлари учун аталган медаллар жамланмаса тақдирлаш маросимлари бошлангунга қадар Лондондаги Тауэр қасрида сақланади.



«Олимпиада-2012» медаллари душанба кунини махсус сақлаш хонасига келтирилди.

«Олимпиада-2012» олтин медали таркиби 92,5 фоиз қумуш, 1,34 фоиз олтин ва бошқа металллардан иборат. Қумуш медали ҳам таъминан шундай пропорцияга эга, бироқ унда олтин ишлатилмаган. Бронза медали эса 97 фоиз мис, 2,5 фоиз рух ва 0,5 фоиз қалайдан иборат.

Медаллар дизайни расм Дэвид Уоткинсга тегишли. Паралимпия ўйинлари учун аталган медаллар безагини эса заргарлик махсусотлари дизайнери Лин Ченг ишлаган. Тауэрда жами 4700 та медал сақланмоқда.

Илк медаллар эркаклар ва хотин-қизлар ўртасида 10 метрга тўпқондан ўқ отиш баҳси ғолиб ва совриндорларига топширилди.

ДЕШАМ ИШДАН БУШАДИ

Франциянинг «Марсель» футбол клуби бош мураббийи Дидье Дешам ўз ихтиёрига кўра лавозимидан озод этилди, деб хабар берилди клуб расмий сайтида.

Маълум бўлишича, Дешам 23 майдак клубдан кетишга қарор қилганини раҳбариятга билдирган. Бирок унинг ушбу қарори 2 июль кунини ўз тасдиғини топди.

Дешамнинг кетиши сабаблари аниқ келтирилмаган. Унинг фақат клуб спорт директори Жозе Аниго билан трансфер борасида келишолмаганини айтиш мумкин. Айни пайтда «Марсель» клубига бош мураббийлик қилиши мумкин бўлган мутахассислар қўриб чиқилмоқда. Дешамнинг ўзи эса Франция терма жамоасини бошқариши мумкин.

Дешам «Марсель» клубини 2009 йилдан буён бошқараётган. Уч йил давомида у бир марта Франция чемпионлиги ва уч карра лига кубогини кўлга киритди.

ШАРАПОВА МАГПУБ БУЛДИ

Дунёнинг биринчи рақамли ракеткачиси Мария Шарапова Лондонда ўтказилаётган Уимблдон турнирида маглубиятга учради. Тўртинчи тур доирасидан ўрин олган матч икки сет давом этди.



Немис теннисчиси Сабина Лисицки 1 соат 24 дақиқага чўзилган ўрашувда 6:4, 6:3 ҳисобида тажрибали рақибасини маглубиятга уратди.

Шарапова супертурнирни австралиялик ракеткачиси Анастасия Родионовани 6:2, 6:3 ҳисобида енгган

ҳолда бошлаганди. Сўнгра болгариялик Цветана Пиронкова (7:6, 6:7, 6:0) доғда қолдирилганди. Нимчорак финалда эса тайванлик Се Шувэй 6:1, 6:4 ҳисобида маглубиятга уратилди. Омадли Сабина Лисицки чорак финалга йўлланма олди. Ярим финал йўлланмаси учун у Ким Клейстерс (Бельгия) ва Ангелика Кербер (Германия) қарама-қаршилиги ғолибига қарши қорға чикади.

ВИТАЛИЙНИНГ СЎНГГИ ЖАНГИ

Украиналик оғир вазнли боксчи Виталий Кличко WBC (дунё боксчилари кенгаши) таснифидagi жаҳон чемпионлиги камарини ҳимоя қилиш учун шу йилнинг 8 сентябрыда Москва шаҳридаги «Олимпийский» спорт мажмуасида рингга кўтарилади.

«Вид» нашрида ёзилишича, 40 ёшли Кличко германиялик боксчи Мануэль Чаррдан ўз камарини ҳимоя қилади. Бокс олимпиада Чарри «Келн Колосси» деб аташди. 27 ёшли Чарр профессионал фаолияти давомида 21та жанг ўтказиб, уларнинг барчасини ўз фойдасига ҳал қилган.

Натюка қандай бўлишдан қатъи назар, Виталий ушбу учрашувдан кейин бокс билан хайрлашади.

Садоқат МАХСУМОВА тайёрлади.

СОКИН «ФУРИЯ» СУРОНИ

Йигирма тўрт кун мобайнида Европа мамлакатларини ҳаяжонда ушлаб турган футбол спектакллари ҳам ўз ниҳосига етди. Аввал хабар қилганимиздек, унинг финал баҳсигача Испания ва Италия терма жамоалари етиб келишганди.



Энг қизғини, «С» гуруҳидан ўрин олган бу икки кучли терма жамоа «Евро-2012» баҳсларини ўзаро қарама-қаршилиқ билан бошлаганди. Қитъа биринчилигининг энг сўнгги — ҳал қилувчи муҳорабасига ҳам айнан шу мамлакатлар футболчилари муаллифлик қилиши ўшанда ҳеч кимнинг ҳаёлига келмаган бўлса керак. Аммо шундай воқеалик юз берди. Табиийки, финал ўйинини ҳатто футболга у қадар ихлосманд бўлмаганлар ҳам кўришди. Ҳеч бўлмаса, оммавий ахборот воситалари орқали ёки яқинлари билан суҳбат чоғи хабар топишди — матч тафсилотлари ва якуний ҳисоб барчага маълум.

Испанлар шу кунни Украина пойтахти Киев шаҳридаги «Олимпийский» стадионига 63 мингдан зиёд томошабин кўз ўнгига том маънода «сқаудра адзура»ни тор-мор келтирди — 4:0. Ҳатто пиренейликларнинг ғалабасига мутлақо шубҳа қилмаган ишқибозлар ҳам ҳисоб бундай йириклашиб кетишини кутмаганди. Финалға хос бўлмаган ҳисоб. Деярли ҳужумчиси ўйнаган Испания «армияси» кимсан Буффон дарвозасига тўртта гол йўлласса-я?! Айтганча, «...финал ўйинида Италия дарвозасига тўртта гол уриш мумкин эмас», деб ҳеч қаерда ёзилмаган-ку...

Шунга қарамай, Чезаре Пранделли шогирдлари кўпчиликда умид уйғотди. Бу кеча ҳисоб ҳеч

кимни узок вақт ҳайратлантирмади. Боиси ярим финал арафасида дунёнинг қарийб тўққиз фоиз аҳолиси финалга чиқариб қўйган «немис машинаси» дастлабки 45 дақиқаликда йўлдан олиб ташланган, италияликлар шон-шух-



Испания — Европада яна тенгсиз!

рат борасида чемпионлардан кам бўлгани йўқ. Барча (ва немислар ҳам) ёқа ушлади. Мана шу тарихий ғалабанинг ўзиёқ Италияни ҳеч қачон грандлар сафидан ўчириш мумкин эмаслигини асослади.

Буюк мураббий Висенте Дель Боске тузган Испания терма жамоаси қатарасига иккинчи марта (2008 ва 2012 йиллар) Европа биринчилигида зафар қўчиб, сайёрамизнинг кетма-кет учта йирик мусобақасида ғолиб чиққан ягона терма жамоага айланди. Улар 2010 йили Жанубий Африка Республикасида кечган мундиалда ҳам бош совринни кўлга киритишганди.

УЕФА томонидан «Евро-2012»да алоҳида намуна кўрсатган футбол-

чилар махсус совринлар билан тақдирланишди. Хусусан, Испания терма жамоаси ва «Барселона» ярим ҳимоячиси Андрес Иньеста чемпионатнинг «Энг яхши футболчи»си деб топилди. «Олтин бутса» эса Ф.Торресга насиб этди.

Шунингдек, УЕФА техник қўмитасининг 11 нафар мутахассиси «Евро-2012»нинг раъсий терма жамоаси таркибининг тузди. Дарвозабонлар: Ж.Буффон (Италия), И.Касильяс (Испания) ва М.Нойер (Германия), ҳимоячилар: Х.Пике,

С.Рамос, Х.Альба (Испания), Ф.Лам (Германия), Пепе, Ф.Коэнтрау (Португалия), ярим ҳимоячилар: Де Росси, А.Пирло (Италия), С.Жеррард (Англия) Хави, А.Иньеста, С.Бускетс, Х.Алонсо (Испания), М.Узел, С.Хедира (Германия), ҳужумчилар: М.Балотелли (Италия), С.Фабрегас, Д.Сильва (Испания), К.Роналду (Португалия) ва З.Ибрагимович (Швеция). Ушбу тўлиқ таркибдан 11 нафар футболчини ажратиб олиш эса муҳлисларга ҳавола...

Дарвоқе, чемпионларни Испания қироли Хуан Карлос I Мадриддаги Сарсуэла қасрида қарши оларкан: «Бутун испан халқини қувонтирдигиниз. Сизлардан фахрланамиз. Испанияда буюк футболчилар тўп суришининга эмас, аjoyиб яқдид жамоа бор эканини ҳам исботладингиз», дея қиролик оиласи номидан миннатдорлик билдирди.

Испания кўчаларида аллақачон байрам бошланиб кетган. Музаффар футболчилар махсус безатилган автобусда мамлакат бўйлаб Кубок тақдимотини ўтказишмоқда.

Зоҳиджон ХОЛОВ



Ko'rik-tanlov



YOSH DOIRACHILAR RESPUBLIKA KO'RIK TANLOVI

ЁШ ДОИРАЧИЛАР БЕЛЛАШУВИ



«Barkamol avlod» Respublika bolalar badiiy ijodiyet markazida ёш доирачиларнинг «Зарб-2012» кўрик-танлови якуний босқичи ўтказилди.

Танловда республикамизнинг барча «Barkamol avlod» болалар марказларида доира йўналишида таълим олаётган 144 нафар ижодкор ўқувчи иштирок этди. Улар «Энг ёш гуруҳ», «Энг ёш ижрочи», «Юқори техник маҳоратли гуруҳ» «Якка-хон» ҳамда «Гуруҳ» ижрочилиги йўналишларида беллашдилар. Натижаларга кўра, гуруҳ йўналиши бўйича биринчи ўрин Тошкент шаҳри, «Энг ёш гуруҳ» йўналишида биринчи ўрин Самарканд шаҳар «Barkamol avlod» болалар ижодий маркази иштирокчиларига насиб этди. Яккахон ижрочилиги бўйича биринчи ўринга Тошкент шаҳридан Юсуфбой Абдуллаев муносиб топилди.

Феруза ХОЛМУРОДОВА,
Ш.АБДУКАЮМОВА

Б.РИЗОҚУЛОВ олган суратлар.



Ma'rifat

TA'SIS ETUVCHILAR:

O'zbekiston Xalq ta'limi vazirligi, O'zbekiston Oliy va o'rta maxsus ta'lim vazirligi, O'zbekiston Ta'lim, fan va madaniyat xodimlari kasaba uyushmasi Markaziy Kengashi.

Bosh muharrir:
Abdusamat RAHIMOV

Tahrir hay'ati: Madamin ARIPIJANOV, Jumanazar BEK-NAZAROV, Baxtiyor DONIYOROV, Baxtiyor YOQUBOV (mas'ul kotib), Farrux JABBOROV (bosh muharrirning birinchi o'rinbosari), Mahmuda MURZAYEVA, Husan NISHONOV (bosh muharrir o'rinbosari), Nurlan USMONOV (bosh muharrir o'rinbosari), «Учитель Узбекистана», Aleksey CHUKARIN (mas'ul kotib, «Учитель Узбекистана»), Sa'dulla HAKIMOV.

Gazeta
O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida № 0067 raqam bilan ro'yxatga olingan.

ISSN 2010-6416



9 772010 641009

INDEKS: 149, 150. T-718.
Tiraji 33294.
Hajmi 4 bosma taboq.
Ofset usulida bosilgan,
qog'oz bichimi A-3.

«Ma'rifat»dan materiallarni ko'chirib bosish tahririyat ruxsati bilan amalga oshirilishi shart.
Tahririyatga kelgan qo'lyozmalar taqrib qilinmaydi va muallifga qaytarilmaydi.

Reklama materiallari uchun tahririyat javobgar emas.

MANZILIMIZ: 100083, Toshkent,
Matbuotchilar ko'chasi, 32.

Web-site: www.marifat.uz

TELEFONLAR: mas'ul kotib—233-99-15, umumiy o'rta va maktabgacha ta'lim yangiliklari bo'limi — 236-53-16, fan, oliy va o'rta maxsus, kasb-hunar ta'limi yangiliklari bo'limi — 236-54-03, adabiyot, madaniyat, kasaba uyushmalari hayoti yangiliklari bo'limi — 236-54-69, ma'naviyat va maktabdan tashqari ta'lim yangiliklari bo'limi — 236-54-23, siyosat, xalqaro hayot va sport yangiliklari bo'limi — 236-55-58, reklama va marketing bo'limi — 233-42-92(faks), 236-54-17.

Bahosi sotuvda
erkin narxda

Dizaynerlar:
Malohat TOSHOVA,
Liliya BINASHEVA.

Navbatchi muharrir:
Xayrulla ABDURAHMONOV.
Navbatchi:
Bobomurod XUDOYBERDIYEV.

«Sharq» nashriyot-matbaa aksionerlik kompaniyasi boshmaxonasi.

Korxona manzili:
«Buyuk Turon» ko'chasi, 41-uy

ЎЗА якуни —21.10
Topshirildi — 21.20